no 8

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 30-may, chorshanba ✱ № 23 (775) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

СПОРТЧИ ОИЛАЛАР КЎПАЙМОҚДА

— Оилавий спорт сафдошларининг тобора ўсиб бораётганлиги, — дейди Касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг вилоят кенгаши раиси Адҳамжон Отажонов, — спорт оммавийлигини таъминлашнинг самарали омилидир. Бундай оилалар ҳозир вилоятда 115 тага етди.

⇨ 2-бет

ДОВОНДАГИ КЎМАКЧИЛАРИМИЗ

Тоғлар, сув ҳавзалари, Қамчиқ довонидаги вазият ҳамиша бизнинг диққат марказимизда. Бирор фалокат, кор-ҳол рўй бердими, йигитларимиз қидирув-қутқарув ишларига дарҳол киришади. Бундай тезкорлик ва маҳоратга ўз-ўзидан эришилмайди, албатта. Бунинг учун тинимсиз машқ қилиш, турли-туман табиий тўсиқларни енгиб ўтиш зарур.



⇨ 3-бет

МЎЪЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИ

Хуллас, дунё Хитой мўъжизасига қойил қолмоқда. Йирик саноатлашган давлатларнинг чуқур инқироз чоҳидан чиқолмаётган бир пайтда Хитойнинг бир ярим миллиардга яқинлашган аҳолиси билан улкан натижаларни қўлга киритаётгани инсониятни ҳақиқатдан ҳам таажжубга солмай қўймайди.



⇨ 5-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ **29 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.**

✱ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

✱ **24 май куни Тошкентда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

✱ Хитойда нашр қилинадиган «Дунфан Цзаобао» газетасида мамлакатимиз инвестициявий салоҳиятига бағишланган «Ўзбекистон хорижий сармоялар учун очиқ» сарлавҳали мақола чоп этилди. Юртимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар, хорижий сармоядорларни жалб қилиш мақсадида жорий этилган имтиёз ва афзалликлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар мазкур мақолада ўз ифодасини топган.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР-ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда "Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!" шиори остидаги махсус ҳафталик давом этмоқда

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси сингари ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган ҳафталик тадбирларида меҳрибонлик уйлари, «Болалар шаҳарчалари»нинг тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, серфарзанд, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг ўғил-қизлари қатнашмоқда.

Ҳафталик доирасида хушманзара «Тошкент-Ленд» боғига мураккаб тақдирли ўғил-қизлар, пойтахтимиз, Тошкент, Сирдарё вилоятларидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси қошидаги ўқув маркази директори Г.Смирнова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни аниқ ва манзилли ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга, ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор кўрсатишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз шаҳару қишлоқларида қад ростлаётган замонавий таълим, соғлиқни сақлаш, маънавият ва маърифат масканлари, болалар ижодиёти марказлари болаларга пухта билим ва тарбия бериш, миллатимиз генофондини янада соғломлаштиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ёш оилаларга ғамхўрлик ва эътиборни янада кучайтириш, ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун зарур шароит ва қулайликлар яратиш, оила, маҳалла, таълим масканлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ҳамкорлигида ўғил-қизларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, ватанпарварлик, фидойилик, Ватан тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган бир қатор маърифий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Уларда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг жамиятга интеграциялашувида яқиндан кўмаклашиш, ижодий-интеллектуал қобилиятини тўғри шакллантириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг 2 июнига қадар давом этадиган «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остидаги махсус ҳафталик доирасида боғларда сайллар, концертлар, ижодий фестиваллар, кўрик-танловлар, расмлар кўргазмаси, болалар ҳуқуқларига доир викториналар, хушманзара масканларга экскурсиялар ташкил этилаётир.

— Меҳрибонлик уйимизда салкам юз нафар ўғил-қиз вояга етмоқда, — дейди Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи директори Фарида Кенжаева.

2 ⇨

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига

КИТОБЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ҒОЛИБИ

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган "Китоб санъати" IX халқаро кўргазмасида Ўзбекистонда чоп этилган ноширлик ва матбаа маҳсулотлари бир неча номинациялар бўйича совринли ўринларни қўлга киритди.

Мамлакатимиз ноширлари томонидан чоп этилган китоблар "Китоб санъати" анъанавий халқаро кўргазмасида илгари ҳам кўп бор алоҳида эътирофга сазовор бўлган. Алишер Навоийнинг беш томлик "Хамса" китоби, "Ўзбек фотографиясининг 125 йиллиги", "Эртаклар карвони" сингари китоблар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан маълум қилишларича, "Китоб санъати" IX халқаро кўргазмасида МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан жами бир юз йигирмадан зиёд турли мавзудаги бадиий адабиётлар, энциклопедиялар ва фотоальбомлардан иборат ноширлик намуналари намойиш этилган. Кўргазма доирасида ўтказилган танлов ҳайъатининг қарорига мувофиқ, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этилган "Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар" китоби "Маданият. Фан. Таълим" номинациясида биринчи ўринни эгаллади. Эътиборли жиҳати, мазкур китоб кўргазманинг яна бир муҳим номинацияси — "Арт-китоб" бўйича ҳам иккинчи ўринга лойиқ топилди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида нашр этилган "VII-XXI асрларда Шарқона хаттотлик намуналари ва миниатюра санъати" китоби эса "Ҳамдўстликда чоп этилган" номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Китобда наққошлик, китоб миниатюраси ва хаттотлик санъатининг ноёб намуналари ўрин олган.

Бундан ташқари, "Гран-при" номинациясида "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Туркистон юлдузи" китоби, "Маънавият" нашриётида тайёрланган "Қорақалпоғистон" фотоальбоми махсус диплом билан тақдирланди.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда матбаа ва ноширлик ишини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар бераётган юксак самаралардандир.

ЎзА

Мутолаа

«БИЗ БУНДАН БУЁН ЭСКИЧА ЯШОЛМАЙМИЗ...»

Мустақиллик — миллат, давлат, жамият ва фуқаро онгу тафаккури ҳамда умумбашарий қадриятлар билан боғлиқ муҳим қонуният. Бу тушунча нақадар муҳим, бетакрор ва қадрли бўлса, унга эришиш жараёнини ҳаққоний, объектив тарзда тушуниш ва идрок этиш масаласи шунчалик аҳамиятлидир. Чунки у халқнинг тақдири, тарихи ва дунё ҳамжамиятида тутадиган ўрнини белгилаб берадиган омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу мураккаб жараённинг мамлакатимизда қандай амалга оширилганини аниқ фактлар, мисоллар билан асослаб берилган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов қаламига мансуб "Ўзбекистон мустақиликка эришиш остонасида" китобини ўқиб, ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.



Китобни мутолаа қилар экансиз, қип-қизил алвон рангга бўялган собиқ «мафкуралашган тизим»нинг биз билган ва билмаган найранглари нақадар кўп бўлганига амин бўласиз. Адолат ва тенглик ҳақида лоф урилган, бироқ унга заррача амал қилинмаган. Қонун тўғрисида гапирилган, лекин унга умуман риоя этилмаган! Республика собиқ шўролар даврида нуфуз жиҳатидан, яъни марказга хомашё етказиб беришда учинчи ўринда турса-да, меҳнатдан бош кўтармаган халқ "боқиманда", республика эса дотациясида турувчи ҳудуд дея эътироф этилган. Мамлакатига мўмай хомашё базаси, халқига эса иккинчи даражали одамлар тоифасида қаралган. Маъмурий буйруқбозликка асосланган сиёсат мамлакатни ана шундай ўта мушкул ҳолатга солиб қўйганди. Маданий ҳаёт юзтубан кетган, халқ ўзлигидан бегоналаштирилган эди. Юртбошимизнинг мазкур китоби мустақиликкача бўлган ана шундай ғоят қалтис ва носоғлом вазият, озгина учқун чиқса бутун республика ловуллаб кетадиган хатарли шароит тўғрисида асосли маълумотларни қамраб олган.

2 ⇨

«БИЗ БУНДАН БУЁН ЭСКИЧА ЯШОЛМАЙМИЗ...»

(Боғланиши 1-бетда.)

Китобнинг мақсади қуйидагича белгиланган: "Асосий мақсад — совет давлати ҳали ўзининг ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этаётган, "пахта иши" деган туҳмат билан қанча-қанча одамлар ноҳақ қамалган, тазйиқ ва таъқиблларга учраган, халқ ўртасида тушкунлик, эртанги кунга ишончсизлик кайфияти, қўрқув ва ваҳима кенг тарқалган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг мустақиликка эришиш масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйганини аниқ тарихий ҳужжатлар орқали кўрсатиш, бу йўлда қандай улкан ишлар амалга оширилгани ҳақида ўқувчиларга маълумот етказишдан иборат".

Мавзу ўта долзарб. Зотан, тоталитар тизимнинг андишасизлиги шу даражага етган эдики, бутун бир мамлакатга фақат хомашё базаси сифатида қаралиб, халқига нисбатан беписанд муносабатда бўлишга муаллиф: "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймади" дея мардона эътироз билдиради.

Юртбошимиз республикада ўша пайтдаги ижтимоий-сиёсий ларзаларни, иқтисодий қолоқликни ҳамда маданий йўқотишларни кўриб, ҳеч иккиланмасдан ишни қатъият билан қуйидагича бошлайди: "Албатта бу ерда ўтирганларнинг барчаси мени яхши билади ва чамаси, ўзича менга қандайдир баҳо бераётган бўлса ҳам ажабмас. Лекин, шуни айтишим керакки, ҳамонки мени республика раҳбари этиб сайлашган экан, ишга бундай муносабатни ўзгартириш учун қўлимдан келган барча ишни қиламан. Ишга бўлган, ўзимга топширилган вазифага нисбатан муносабатни, дунёқарашимизни ва умуман, масъулиятимизни ўзгартира олсаккина ишларимиз йўлга тушиб кетади. Акс ҳолда, вазиятни издан чиқаришга интиладиган кучлар мени ё четга суриб қўяди ёки жуда кўп раҳбарларни ўзгартиришга тўғри келади". Шундай бўлди ҳам, мамлакатимизда ишга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилди. Мустақилликка эришиш ёхуд уни мустаҳкамлашда муҳим омил саналган одамлар онгини замон ва давр талаби нуқтаи назаридан ўзгартиришга асосий вазифа сифатида қаралди. Ва бу борада катта ижобий натижаларга эришилганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Китобни ўқиган ҳар бир киши ҳаяжонланиши, табиий. Негаки, унда Ватан, юрт, миллат, мустақиллик учун кураш, изтироб, ташвиш ва қувончлар ўз ифодасини топган, у ўқувчини ром этади. Энг эътиборли жиҳати — масаланинг моҳияти, яъни биз эришган мустақиллик баъзи ношуд кимсалар ўйлаганидек, «ма сенга, бу сенга» қабилида осонлик билан қўлга киритилмаган. Беқиёс имкониятга эга бўлган «ноҳақ тизим» осонликча ён бермаслиги тайин эди. Бунинг учун катта жасорат, мардлик ва масъуллик лозим эди.

Президентимизнинг ўз халқига ишончи, унинг келажагини кўра билиши, олиб бораётган адолатли сиёсати, матонати, букилмас иродаси, бобокалонларимизнинг буюк қудрати ва маънавий меросидан куч олиб, ёш авлод ақл-идрокига умид билан қараши, юрт равнақи йўлида "ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳамда халқимизнинг заҳматли меҳнати туфайли мамлакатимиз халқаро нуфузли ташкилотлар, тараққий этган демократик давлатлар томонидан эътироф этилиб, тан олинди. Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда улкан, салворли ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистон фуқаролари, айниқса, унинг ёшлари мамлакат нуфузини кўтаришда турли соҳаларда ўз ҳиссасини қўшаётгани қувонарли ҳолдир. Ўтган 20 йил мобайнида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда эришилган муваффақиятлар мамлакатимизнинг ўз тараққиёт йўлига қатъий тушиб олганининг исботидир.

Бинобарин, китобда қайд этилган: "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди" деган тамойил ҳар бир юртдошимизнинг ўзини ҳар томонлама — ишга, ҳаётга, миллий ғояга ва турмуш тарзига, оилага бўлган муносабатини ўзгартиришида маёқ вазифасини ўтайди. Чунки ҳозирги ўта мураккаб давр юрт тараққиёти йўлида, аввало, мамлакат фуқароси сифатида ҳар биримиздан янгиланиш ва ислоҳотларни биринчи навбатда ўзимиздан бошлашимиз кераклигини талаб этаётир. Мамлакатимиздаги барча ижтимоий институтлар ҳам мана шу йўлда ўз мақсадларини уйғунлаштиришига зарурат бор. Ахборот асри ва замон талаби эҳтиёжларини эътиборга олиб, барча ислоҳотлардан ортда қолмасликнинг сабаби ҳам янгиланиш эканини назардан қочирмаслик лозим.

Халқимизда: «Яхши куннинг қадрига етиш учун ёмон кунни эсдан чиқарма», деган нақл бор. Шу маънода аччиқ ҳақиқатни ўз ҳолича, бутун бўй-басти билан билиш юртдошларимиз ёхуд ёшларимизни чиниқтиради ва тоблайди. Ватанга, юртдошларимизга нисбатан қўлланилган «қонуний» қонунсизликларнинг аҳамиятини чуқур англашимизда асқотади. Таъбир жоиз бўлса, бугунги кенг қамровли ислоҳотларнинг ворислари сифатида ҳам ўтган кунлардаги давлат ва жамият бошқаруви идоралари фаолиятидан бохабар бўлишимиз лозим.

Ўйлаймизки, келгусида мустақилликнинг моҳиятини жамият аъзоларига аниқ ва таъсирчан тарзда тушунтирадиган бу каби фактларга бой асарларга эҳтиёж кўпаяверади.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик институти доценти

2012 йил – **Мустаҳкам оила йили**

Кейинги пайтда юртимизда меҳнат жамоаларида самарали ишлаётган, билимгоҳларда таълим олаётган бўлсалар-да, оилада ота-онадан бошлаб катта-кичик фарзандларнинг барчаси спорт билан шуғулланадиган, спортчи оилалар кўпаймоқда. Янаям қувонарлиси, улар орасидан спортнинг у ёки бу тури бўйича республика, ҳатто жаҳон чемпионлари ҳам етишиб чиқаяпти.



Спортчи оилалар кўпаймоқда

Тўғриси, қишлоқ шароитида бундай ҳодисаларни яқин-яқингача ҳам тасаввуримизга сиғдира олмасдик. Мамлакатимизда Истиқлол шарофати билан бундай анъана ривож олмоқда. Турмуш тарзимизга кириб бораётган бу янгилик юртимизда инсон саломатлиги ҳамда спорт равнақига берилаётган кенг кўламли эътиборнинг ўзига хос инъикосидир. Зотан, соғлом оила жамиятнинг завол топмас пойдевори ҳисобланади.

Эндиликда спортчи оилаларни Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида кўплаб учратиш мумкин. Масалан, қўштепалик Абдуҳамид Ваҳобовлар оиласи чимусти хоккей мусобақаси бўйича донг чиқарган бўлса, худди шу тумандан Тўлқин Исоқовлар оиласи велоспорт, енгил атлетика ва шахмат бўйича вилоятда эътибор қозонган. Ёзёвонлик Турдиали Тўрақуловлар оиласи волейбол, белбоғли кураш ҳамда миллий кураш бўйича кўплаб мусобақаларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Оила аъзоларининг тўрт нафари кураш бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпионларидир.

Олтиариқлик Равшан Узоқовлар оиласидан беш нафар ака-уканинг учтаси қўл жанги бўйича, иккитаси кураш бўйича жаҳон чемпионлигига мушарраф бўлган. Яйпанлик Ҳошимжон Турғуновлар оиласи енгил атлетика бўйича донг таратган бўлса, Алишер Мўминовлар оиласи шахмат мусобақаларида нафақат республикамиз, балки ундан ташқарида ҳам катта натижаларга эришмоқда. Масалан, шу оиладаги уч нафар қизнинг тўнғичи — Нафиса шахмат бўйича Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, гроссмейстрликни қўлга киритди. Худди шу мусобақада қатнашган синглиси Ҳулкарой фахрли учинчи ўринга мушарраф бўлди. Гулруҳ эса ҳозирча мамлакат чемпиони.

Фарғона шаҳридан бокс бўйича олий тоифали мураббий, республика тоифасидаги ҳакам Шавкат Мусафиров бошлиқ оила аъзоларининг довруғи алоҳида таҳсинга сазовор. Уй бекаси Раъно Йўлдошева велоспорт бўйича етти марта мамлакат рекордини ўрнатган. Қизлари Лола эса бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони ва хизмат кўрсатган мураббий унвонига эга.

Шаҳардаги спорт мактабининг директори Севара Деҳқонова ва унинг умр йўлдоши, миллий кураш устаси Содиқжон Деҳқонов болалар ҳамда ўсмирлар спортини ривожлантириш, уларни чиниқтириб тарбиялашнинг чинакам фидойилари.

Деҳқоновлар оиласида уч нафар ўғил камолга етмоқда. Тўнғичи — 1995 йилда туғилган Жасурбек Мусажонов ёшлар ўртасида миллий кураш бўйича терма жамоа аъзоси. У ўтган йили Грециянинг Солоники шаҳрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов соврини учун ўтказилган халқаро турнирда зафар қучди. Олти ёшли Жавлонбек ҳам акалари изидан бораяпти, миллий кураш сирларини ўзлаштиришга киришган.

Қўқонда ҳам спорт билан шуғулланувчи оилалар кўп. Масалан, Саидхўжаевларни олайлик. Улар катта теннис бўйича республикага танилган.

Оила бошлиғи Собирхон Саидхўжаев республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кенгашининг раиси. Барнохон Саидхўжаева мактаб ўқитувчиси, Санжарбек, Муҳаммадризо ҳамда Сарвинозхон олимпия захиралари теннис мактаби тарбияланувчиларидир.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, спортнинг теннис тури билан оилавий шуғулланувчилар кўпайиб боряпти.

— Оилавий спорт сафдошларининг тобора ўсиб бораётганлиги, — дейди Касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг вилоят кенгаши раиси Адҳамжон Отажонов, — спорт оммавийлигини таъминлашнинг самарали омилидир. Бундай оилалар ҳозир вилоятда 115 тага етди. Биз ана шу оилалар ўртасида ҳам ўзаро мусобақаларни изчил ўтказиб келяпмиз. Хусусан, *"Отам, онам ва мен — спортчи оиламиз"* мусобақаси, "Алпомиш ва Барчиной" махсус норматив синовлари, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган Аёллар спартакиадаси ва яна спортнинг турли тармоқлари бўйича уч босқичли спартакиадаларнинг ўтказилаётгани спорт оммавийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, спорт оила саломатлигини муҳофазалайди, сулолалар софлигини сақлайди.

С.ҚАҲҲОРОВ,
"Hurriyat" мухбири

Тадбир

Болалар манфаатига қаратилди

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани ҳокимлиги биносида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси билан 1-июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди. Унда сўз олган туман маънавият ва маърифат маркази раҳбари Шоҳида Шомуталова йиғилганларни байрам билан қутлади. Шундан сўнг туманда истиқомат қилувчи юзга яқин ногирон болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига тадбир ҳомийлари "Полимер пласт" ҳамда "Марвин Брендс" масъулияти чекланган жамиятларида тайёрланган совғалар тортиқ қилинди.

— Мазкур тадбирда имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари иштирок этаётгани бежиз эмас, — дейди Федерация Матбуот ва ахборот бўлими бошлиғи Умида Мансурова. — Чунки ташкилотимиз ногирон истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян ишларни амалга ошириб келади. "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказаётган ҳар бир тадбир, ўқув семинарида улар истеъмолчи сифатидаги ҳақ-ҳуқуқлари таништириб борилади. Бу борада "Истеъмолчи кутубхонаси" туркумида "Истеъмолчи-ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя ҳуқуқлари" мавзуига бағишланган рисола тайёрлангани ҳам айни муддаодир.

Хайрия тадбири ниҳоясида ёш хонандалар ижро этган куй-қўшиқлар ва Республика Ёш томошабинлар театри актёрлари томонидан намойиш этилган "Олтин жўжа" номли театрлаштирилган саҳна асари болажонларга чексиз қувонч бағишлади.

Нодир МУҲАМЕДОВ

ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР-ЭЪТИБОРДА

(Боғланиши 1-бетда.)

— Болаларни оилавий муҳитга яқинлаштирган ҳолда тарбиялашга, уларга ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, фидойилик сингари эзгу тушунчаларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай изчил ишлар болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, таълимнинг кейинги босқичи билан қамраб олиш, уларда соғлом тафаккурни, қатъият, ўзига бўлган ишончни мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

— Мехрибонлик уйида таълим-тарбия олишимиз учун барча шароит яратилган, — дейди Бўка шаҳридаги 15-Мехрбонлик уйи тарбияланувчиси Мадина Жўраева. — Бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишимиз борасида кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовдан ғоят миннатдормиз.

Шу куни «Тошкент-Ленд» боғидаги аттракционлар мехрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли болалар, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларининг ихтиёрида бўлди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Реклама

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

миллий валютада қуйидаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:

«Таътил — 2012»

Сақланиш муддати – 15 ой

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан (15 ойдан) сўнг берилади

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.



Хизматлар лицензияланган

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	221-80-67
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

Қидирув-қутқарув хизмати

ДОВОНДАГИ КЎМАКЧИЛАРИМИЗ

Фалокат оёқ остида, дейдилар. Довон сари кўтарилаётган уловнинг носозлиги, балки ҳайдовчининг қалтис хатоси ёки бошқа бир фалокат туфайли автоҳалокат содир бўлди, ҳайдовчи ёхуд йўловчилар қаттиқ жароҳат олди, дейлик. Ана шундай пайтда уларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва яқин атрофдаги касалхоналарга зудлик билан етказишда, шубҳасиз, қутқарувчиларнинг беминнат хизматига эҳтиёж сезилиши табиий.



Турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларда ёрдам беришни янада яхшилаш, қутқарув хизмати сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Қамчиқ довонининг энг баланд қисми (Тошкент — Ўш йўлининг 163 км.)да қидирув-қутқарув отряди ташкил этилган эди. Мана, салкам 11 йилдан буён отряд аъзолари зиммаларига юклатилган залворли вазифани сидқидилдан адо этиб келишмоқда. Бу вақт ичида техноген авариялардан ташқари ер ва қор кўчки ҳодисалари ҳам бир неча бор кузатилган бўлса-да, у қадар йирик ҳалокатларга йўл қўйилмади. Бу, шубҳасиз, қутқарувчиларнинг касбий маҳорати тобора ошиб бораётганидан далолатдир. Бинобарин, қутқарувчи бўлиш учун, энг аввало, кучли матонат, фидойилик ва жасурлик талаб этилади. Аслида халоскорлик хизматининг, садоқат ва бурчнинг муқаддаслиги ҳам шунда!

Куз ойининг охирлари, қиш ва баҳор мавсумида "Қамчиқ" довонида қалин қор ёғиши, йўлларнинг музлаши, ён-атрофнинг қуюқ туман билан қопланиши, қор ва тупроқ кўчкилари рўй бериши ва бошқа табиий офатларнинг кутилиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис турли кўринишдаги кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида қутқарувчилар вақти-вақти билан тактик-махсус тайёргарлик ўқув машғулотларини ўтказиб, ўз маҳоратларини синаб кўрадилар. Машғулотларда қор кўчкиси босиб қолиши натижасида ёки йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жабрланганларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва зудлик билан яқин атрофдаги тиббиёт масканларига жўнатиш амаллари бажарилади.

— Офатларни бартараф этишда асосан махсус ўқув машқлари жараёнида орттирилган малака ва чиниқиш қўл келаётир, — дейди "Қамчиқ" қутқарув-қидирув командири, майор Мухтор Муҳиддинов. — Қутқарувчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ўтган йили фавқулодда вазиятларга тушиб қолган юзлаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Турли даражада жароҳатланган 60 кишига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилди.

Тоғлар, сув ҳавзалари, Қамчиқ довонидаги вазият ҳамиша бизнинг диққат марказимизда. Бирор фалокат, кор-ҳол рўй бердими, йигитларимиз қидирув-қутқарув ишларига дарҳол киришади. Бундай тезкорлик ва маҳоратга ўз-ўзидан эришилмайди, албатта. Бунинг учун тинимсиз машқ қилиш, турли-туман табиий тўсиқларни енгиб ўтиш зарур. Кўнгилсиз ҳолатларнинг кўпчилиги тунда ёки тонг чоғида рўй беришини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг зиммамизга нақадар катта масъулият юкланганини сезиш қийин эмас.

Албатта, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлиги ва қутқарув ишларини ҳамкорликсиз амалга ошириш мушкул. Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган ҳамкорликда ҳаракат қилиш режасига асосан Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа, Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "ЎзАвтойўл" давлат концерни, "Ўзгидромет" бошқармаси ва бошқа мутасадди идораларнинг ходимлари қутқарув-қидирув ишларида фаол иштирок этадилар.

Шу ўринда Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизматининг фаолияти ҳам алоҳида эътирофга молик эканини таъкидлаш ўринли. Мазкур хизмат мутахассислари қор ёки ер кўчкиси (қачон ва қай тарзда) рўй бериши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудудларни олдиндан ўрганиб, тезкор ахборот орқали қутқарувчиларимизни воқиф этиб туришади. Бу, албатта, халоскорларимиз ишининг сифати ва самарасига ҳисса қўшмай қолмайди.

Айни пайтда қидирув-қутқарув отрядида 50 нафардан ортиқ ходим хизмат қилади. Отряд шахсий таркиби учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий бино қуриб, фойдаланишга топширилган. Бу ерда қишин-ёзин спорт билан шуғулланиш, тоғ шароитида қутқарув ишларини олиб бориш бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча имкониятлар бор.

Шинамгина жиҳозланган маърифат хонасини кўздан кечирар экансиз, китоблар жавонида турли адабиётлардан ташқари, республикамизда чоп этиладиган газета ва журналлар тахламига ҳам кўзингиз тушади. Қутқарувчилар бўш вақтларида мутолаа билан шуғулланишади. «Қамчиқ» довонида навбатчилик қилувчи хизмат билан тезкор алоқа тизими мунтазам ишлаб турибди.

Россия Федерациясидан келтирилган 6 та замонавий авария-қутқарув машинасидан биттаси отряд қутқарувчиларига ажратилган. Ўн олти тонналик қудратли «КамАЗ» русумли машинага турли қутқарув асбоб-ускуналари — симли арқондан тортиб, нарвонгача тартиб билан жойлаштирилган. Булар кўнгилсиз ҳодисалар оқибатларини бартараф этишда жуда қўл келади. Авария-қутқарув хизмати машинасининг яна бир афзаллик томони шундаки, тезлик ричаги қўшилганда барча ғилдираклар баравар ҳаракатга келади ва ҳар қандай машина юролмайдиган нуқтага бориш имконияти пайдо бўлади.

Қутқарув гуруҳининг кўпчилик ходимлари алпинистлар бўлиб, шундан беш киши ғаввослар мактабида таълим олган. ФВВ томонидан тасдиқланган режага асосан 8 нафар қутқарувчи Республика тез тиббий ёрдам марказида махсус тайёргарликдан ўтиб сертификат олган бўлса, 3 нафар қутқарувчи-кинолог эса республика кинология марказида махсус курсларни ўтаб қайтдилар.

Табиийки, баҳорги-ёзги мавсумда довон йўлида қатнов ҳаракати бошқа фаслларга нисбатан ошади. Шу туфайли йўл-транспорт ҳодисалари сони ҳам бироз ортиши мумкин. Бу, шубҳасиз, қутқарувчиларнинг масъулиятини қучайтирмасдан қолмайди. Юз берган ҳар қандай кўнгилсиз ҳодиса тўғрисида маълумот олинган заҳоти улар зудлик билан қисқа вақт ичида воқеа жойига етиб боришади.

Фидойилик — бебаҳо тушунча. У меҳрдан яраладиган илоҳий туйғу. Фидойилик бор жойда матонат ва жасорат зоҳир. Энг муҳими, тинч-осуда, хавфсиз жойларда фаровонлик, юксалиш бўлади, халқимизнинг ҳам келажакка бўлган ишончи янада ортади.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

Аср муаммоси

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Чунки у инсон, унинг дахлсиз ҳуқуқлари, қадр-қиммати, осойишта ҳаёти ва келажагига жиддий путур етказувчи, на сарҳад, на миллат танламайдиган иллатдир. Одам савдоси инсонни ўз эркинлигидан маҳрум қилиб, бировларнинг қўлида қул бўлишига маҳкум этади, умрига зомин бўлади, тақдири ва келажагини оёқости қилади. Ана шундай жиҳатлари билан ҳам у энг оғир ва жирканч жиноятлардан саналади.

Одам савдоси – қуллик балоси

Одам савдоси кўпроқ аёллар ва болаларни ўз домига тортаётгани билан янада ташвишланарлидир. Қолаверса, ушбу уюшган трансмиллий жиноят инсонлардан оғир меҳнат шароитида, мажбурий донорлик, фоҳишалик ва бошқа мақсадларда фойдаланишдек жирканч кўринишларда намоён бўлмоқдаки, бу унга қарши нафақат бир давлат, балки жаҳон мамлакатлари ўзаро ҳамкорликда курашиши лозимлигини давр тақазо этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Одам савдоси бир неча босқичда амалга оширилади. Хусусан, ёллаш одам савдоси жараёнининг илк босқичи бўлиб, у тўлиқ, қисман ёки куч ишлатиш (зўрлик) йўли билан ёллаш каби шаклларда намоён бўлади. Ёллашнинг биринчи шаклида алдов йўли билан шахсга ишга жойлаштириш ёки сохта никоҳ ваъда қилинади. Ёлланган шахс маълум бир соҳада ишлашига ишонади, бироқ кейин у зўрлик ишлатиб бошқа фаолият билан шуғулланишга мажбур қилинади. Эксплуатация эса одам савдосининг асосий элементи ҳисобланади. Бу жиноят билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ аъзолари жабрланувчиларни эксплуатация қилиш ва даромад олиш мақсадида ёллайди. Жабрланувчини эксплуатация қилиш белгиланган мамлакатга етиб келиши биланоқ бошланади.

Мамлакатимизда бу иллатнинг олдини олиш, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун, ўша йилнинг 8 июлида эса Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингани мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон одам савдоси ва унинг жирканч оқибатларини бартараф этиш мақсадида 29 та халқаро шартнома ва битим имзолаган. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган мазкур конвенцияни тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколнинг ратификация қилингани фикримиз тасдиғидир.

Мамлакатимизда Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идороларарo комиссияси фаолият олиб бормоқда. Комиссия давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тегишли фаолиятини мувофиқлаштириб, юртимизда одам савдосига қарши курашиш, унга имконият яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш, шунингдек, оқибатларини камайтириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Тадбирлар режасига мувофиқ қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида учрашувлар, йиғилишлар ўтказилиб, одам савдоси, айниқса, аёллар ва вояга етмаганлар орасида бу мудҳиш ҳолатлар билан боғлиқ жиноятларнинг хавфи, оқибатлари жонли мисоллар асосида тушунтириб берилмоқда. Қолаверса, ушбу жараёнда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий реаблитация қилишга кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Албатта, ўтказилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари ўз самарасини бериши, жиноятларнинг олди олиниши, жабрланувчилар сонининг камайишига эришилиши шубҳасиз.

Муҳаббат КОМИЛОВА,
Янгийўл туманидаги
ДНИ нотариуси

Реклама

MIKROKREDITBANK

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ДАВРАСИДА

Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ташаббуси билан "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида семинар ўтказилди. Мазкур тадбирда вилоят ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда тумандаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, битирувчилар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маълумки, «Микрокредитбанк» ўзининг олти йиллик фаолияти давомида барқарор ва ишончли ташкилот сифатида юртимиз молия бозорида етакчилик қилмоқда. Айни пайтда меҳнат бозорига илк қадам қўяётган ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўтказилган семинардан кўзланган асосий мақсад ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ёшларнинг инновацион лойиҳа ва ташаббусларини иқтисодиётга жорий этишга қаратилган. Бу борада Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ҳамда Республика Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда 2011-2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар айнан эгаллаган мутахассисликлари бўйича тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун бошланғич сармоя — микрокредитлари ажратиш, пировардида, доимий иш ўринлари яратиш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда.

Буларнинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг 10-11 апрель кунлари пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" Республика ярмарка-савдо марказида Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари бўйича "BankExpo-2012" миллий кўргазмасида "Микрокредитбанк" фаол иштирок этди. Тадбир доирасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, ушбу банк "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинацияси ғолиби бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикасининг "Оила тўғрисида"ги қонун қабул қилингани ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, тадбиркорлар учун нечоғлик кенг имкониятлар очиб берилаётгани ва натижада кичик бизнес субъектлари сафи кенгайиб бораётганини алоҳида эътироф этдилар.

Айни пайтда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида банк томонидан жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажми 202,8 миллиард сўмга етказилиши кўзланган. Жумладан, йилнинг 1-чораги якунига кўра, муассаса томонидан соҳа субъектларига жами 72,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан имтиёзли микромолиявий хизматлар миқдори 41,3 миллиард сўмга етказилиб, белгиланган прогноз-кўрсаткич 102 фоизга бажарилди. Бунинг ҳисобига 26 минг 242 та янги иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш жоизки, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида банк оилалар, айниқса, ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 1048 та ёш оилага 6,8 миллиард сўм миқдоридаги кредитлар берилди. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигига 10,6 миллиард сўм, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар учун 1,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Тадбир давомида ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Шунингдек, ўзининг пухта бизнес режаларига эга бўлган оилавий тадбиркорлик субъектларига "Микрокредитбанк" томонидан имтиёзли сармоя олишлари учун сертификатлар ҳамда 20 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари топширилди.

Қутлибека РАҲИМОВА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларида

СЎЗ ВА ҚАЛАМ МАСЪУЛИЯТИ

Рукн меҳмони уюшманинг Жиззах вилояти бўлими раиси Эркин ШЕРМОНОВ

— Эркин ака, мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш жараёнлари кечмоқда. Бу борада Жиззах вилоятида қандай ўзгаришлар бўляпти? Умуман, вилоят журналистларининг бугунги фаолияти ҳақида гапирсангиз.

— Мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, тарих шоҳид, жамият тараққиётида оммавий ахборот воситалари ҳамда соҳа эгаларининг касбий маҳорати, салоҳияти муҳим ўрин тутади. Айниқса, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга бўлган асримизда ОАВ ходимлари олдига қўйилаётган вазифалар янада жиддий ва долзарб. Глобаллашув шароитида ҳар қандай давлатнинг салоҳияти унинг нечоғли ахборотга эгалиги, ахборот тизимини қай тарзда йўлга қўйгани билан белгиланмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда ҳар кимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни олиш, излаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги Конституциямизнинг тегишли моддалари билан мустаҳкамланиб, соҳанинг ҳуқуқий асослари халқаро андозалар ва замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллашиб бораётгани журналистик фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Бугунги ОАВ ва уларнинг имкониятларини яқин ўтмиш билан таққослаб бўлмайди. Матбуотимизнинг ўтмишдаги шароити билан ҳозирги ўртасида осмон билан ерча фарқ бор.

Ҳозир вилоятимизда 40 га яқин даврий нашрлар, телерадиоканаллар фаолият кўрсатмоқда. Таҳририятларда 400 нафарга яқин ижод аҳли қалам тебратяпти. Бутун дунёда юз бераётган муҳим воқеалардан тортиб вилоятнинг энг чекка ҳудудларида кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнлар, янгиланишлар, юртдошларимизнинг онги ва тафаккурида кечаётган ўзгаришлар журналистларимизнинг тадқиқот объектига айланди. Эзгулик ва бунёдкорликка йўғрилган ишлар ҳам, тараққиётимизга халақит бераётган нуқсонлар ҳам уларни бир лаҳза бефарқ қолдирмайди, дарҳол қаламга олишга ундайди. Бинобарин аслида ҳам XXI аср шиддати журналистдан жамиятнинг олд сафида бўлишни талаб этади.

Дунё тажрибасидан маълумки, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни беқиёс. Зеро, сўз инсоннинг камолига ҳам, заволига ҳам хизмат қилади. Албатта, ундан эзгу ниятда фойдаланмоқ мақсадга мувофиқ. Журналистнинг қуроли эса мана шу қудратли сўз ва ўткир қалам. Унинг зиммасидаги вазифанинг залвори оғир, масъулияти катта, буни унутишга ҳеч бир касбдошимизнинг ҳаққи йўқ.

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган...

— Бу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, биринчи навбатда, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини янада кенгроқ руёбга чиқариш учун имкон яратиш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга хизмат қилади. Жумладан, 2011 йилнинг ноябрь ойида БМТ лойиҳасига кўра вилоят ҳокимлиги, Жиззах шаҳар ва Зомин туман ҳокимликлари ҳузурида замонавий техника билан таъминланган Ахборот хизмати ташкил этилди. Натижада оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Аҳолининг тезкор ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириб, Ахборот хизмати ходимлари интернетдаги веб-сайтларга вилоят ижтимоий иқтисодий ҳаётидаги жадал ўзгаришларни тезкорлик билан жойлаштирмоқдалар. Бу жараён ҳам мамлакатимиз миллий матбуотидаги ислоҳотларнинг бир кўринишидир.

Матбуотимизда миқдор ўзгариши билан бирга жиддий сифат ўзгаришлари ҳам юз бераяпти. Вилоятимизнинг отахон нашри, ҳозирда Жиззах шаҳар ва Жиззах туман ҳокимликлари муассислигида чоп этилаётган "Жиззах овози" газетаси бадиий безаги ҳақида шундай фикрларни айтишим мумкин. Таниқли публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Акром Иномов муҳаррирлик қилаётган мазкур газета ижодкорлари пишиб-етилган муаммони олдинроқ илғай олади, газета саҳифаларида чоп этилган масала ёки муаммо келгусида, албатта, маҳаллий кенгашлар сессияси кун тартибига қўйилади.

Вилоят ҳокимлиги нашри — "Жиззах ҳақиқати" газетасининг ранг-баранглиги, ҳозиржавоблиги ва ўз позициясида мусаҳкам туриб, танқидий-таҳлилий мақолаларга катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмун-мундарижаси, мавзу доираси замон талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

— Вилоятда ёш журналист кадрларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш, таҳририятларда устоз-шогирд анъаналарини йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилган. Кейинги 2-3 йил ичида вилоятда журналистика факультетини тамомлаган ёшлар сафи кўпайди. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Улар қайси ижодий жамоада иш бошласа, ўша таҳририятдаги устоз журналистларга бириктирилаяпти. Назарий билимларини амалиётда синаб самарали қалам тебратаяпти. Вилоят телерадиокомпаниясида фаолият кўрсатаётган Дилноза Ҳайитова, Дилрабо Холматова, Умрзоқ Ҳамдамов, Жамол Нуруллаев ҳақида илиқ фикрларни айтишим мумкин. Аммо бу билан вилоятдаги ёш кадрларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилаяпти, деб бўлмайди. Туман газеталари таҳририятларига ҳам шижоатли ёшларни жалб этишимиз керак.

Шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш матбуот аҳлига ярашадиган энг муносиб фазилатдир. Вилоятимизда ана шундай журналистлар кўпчиликни ташкил қилади. Улар ҳар йили эълон қилинаётган ижодий танловларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Миллий матбуотимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари учун давлат мукофотларига сазовор бўлишмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Акром Иномов, Ленуре Адильшаева, "Шуҳрат" медали соҳиблари Абдулла Аҳмедов, Турсунбой Камолов, "Олтин қалам" миллий танлови совриндори Бекпўлат Тоғаев, "Йилнинг энг фаол журналисти" Республика танлови ғолиблари Сайёра Бўронова, Товбой Хўжамбердиевлар бугун кўплаб шогирдларига ўз касб сирларини ўргатмоқдалар. "Жиззах ҳақиқати" газетаси қошида ташкил этилган "Маҳорат мактаби"да кўплаб шогирдлар тайёрланмоқда. Улар "Маҳорат мактаби"да олган билим ва кўникмаларини олий ўқув юртларида янада бойитишмоқда. Вилоят телерадиокомпаниясида ташкил этилган "Бошловчилар курси"да жамоатчи бошловчилар устоз журналистлардан сухандонлик, нутқ маҳорати, бошловчи этикаси масалаларида сабоқ олмоқда.

Суратларда: *"Жиззах ҳақиқати" — "Джизакская правда" газеталари бош муҳаррири Салоҳиддин Сафаров, газетанинг масъул котиби Абдужалол Қаюмов; Жиззах вилоятт телерадиокомпанияси муҳаррири Дилноза Ҳайитова ва оператор Аъзам Қосимов.*

Бугун биз яшаётган шиддатли асрда замоннинг ўзи оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар олдига эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда. Бу талабларни бажариш, биринчи навбатда, ўзимизга, касбимиз олдидаги виждонимиз ва масъулиятимизга ва, албатта, замонавий билим-кўникмаларимизга боғлиқ.

Юртимиз тараққиёт йўлидан илгарилаб борар экан, оммавий ахборот воситалари фаолияти кўлами ҳам кенгайиб, ривож топади. Шундай экан, миллий журналистика истиқболи йўлида нафақат журналист кадрлар етказиб бераётган олий ўқув юртларимиз, балки мамлакатдаги барча ОАВ таҳририятлари ҳам фаоллик кўрсатишлари лозим. Яъни ҳар бир таҳририятнинг ўз маҳорат мактаби бўлиб, ёш ижодкорлар билан иш олиб борса, бундан фақат юртимиз медиаоламида фойда кўради ва миллий журналистика истиқболи баркамол бўлади.

Мавжуда ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Касб синоати

Журналист бўлмоқчимисиз?

Ҳаёт — сабоқлар, синовлардан иборат узун йўл. Инсоннинг ўз имконияти, феъл-атвори, қарашларига мос йўлни тўғри танлай билмоғи эса ўта муҳим аҳамиятга эга. Кишининг турмушидаги файз-барака, ҳалоллигу хушнудлик кўп жиҳатдан унинг бу борада янглишмаслигига боғлиқ. Биз ёшларга касб-корлар ҳақида бот-бот тушунчалар берамиз. Лекин, назаримда, касб синоати хусусида маълум соҳада тажриба орттирган, турли муаммолар билан дуч келиб, қийинчиликларни бошидан кечирган шахсчалик жўяли сўз айтиш мушкул.

Журналистика ҳам кишидан ўзига хос иқтидор, айни пайтда меҳр, ихлос ва иштиёқ талаб этадиган соҳа. Бир жиҳатдан, бугунги кун журналистика оламига кириб келаётган ёшларга ҳавасим келади. Улар учун дунё эшиклари очиқ. Имконият кенг. Лекин журналистиканинг жуда оддий ва жўн қоидалари борки, унга амал қила олганларгина кўзлаган мақсадларига ета олмоқлари мумкин.

* * *

...Қишнинг қорли-қировли кунларидан бири эди. Неча бор қайта-қайта кўчирган материалимни туман марказига — редакцияга олиб бориш учун минг андиша билан отамдан рухсат сўрагани хоналарига кирдим. «Шу совуқда-я», дедилар дераза томонга қараб. «Бугун тайёрлаб келаман, дегандим...», — дедим кўнгилларини юмшатишга уриниб. «Бораману қайтаман. Барвақт туриб ҳамма ишларимни тугатганман...», қўшиб қўйдим яна. «Газета об-ҳаво билан ҳисоблашиб чоп этилмайди-да. Дугоналаринг ҳам боришадими, ишқилиб», дея чўнтакларига қўл тиқдилар отам. Суюниб кетганимдан гарчи ҳали келишиб олмаган бўлсам-да, «Боришади, боришади», дедим қатъий оҳангда. Шу ишонч билан уйлари бизникидан анча олис бўлса ҳам дугоналаримни бир-бир йўқлаб чиқдим. Лекин анчадан буён турли нашрларда мақолалари чоп этиб келинаётганидан номлари танилиб қолган, мени ҳам илк бора таҳририят томон бошлаб борган ҳар икки тенгдошим кунинг совуқлигини пеш қилиб эшикларини ёпишди. Сукунатга чўмган оппоқ далани ўрталаб яна ортимга қайтдим. «Барибир боришим керак. Отам айтганларидек, қор ёққани учун газета чиқмай қолмайди-ку. Устозларимиз ранжишлари мумкин...» Шу ўйлар билан салкам бир соат автобус кутиб, туман марказига етиб келганимда алдамчи қуёш кўкда пайдо бўлган эса-да, изиллаган совуқ бармоқларингизгача зирқиратиб кетгудек эди...

Бугун журналист сифатида фаолият юрита бошлаганимга чорак асрдан ошган бўлса-да, негадир ўша воқеа тез-тез хаёлимда жонланаверади. Журналистика машаққатларга елка тутмоқ ва уларни енга билмоқ, сабот ва қатъият, катта масъулият сингари талабларни адо эта билганларгагина насиб этувчи касб эканини илк бор уқтирган эди, ўшанда бу воқелик менга.

Бу хотиралар чизгисини бекорга қаламга олмадим, азиз журналистика соҳасига қадам қўймоқни ният қилган ёш замондошим! Журналист — жарангдор сўз. «Журналистман» дейишнинг ўзи қалбингизни фахрга тўлдиради. Лекин унутмангки, ифтихорга муносиб бўлиш ва уни кўтариб юришнинг юки жуда оғир. Журналистика сўзни сўзга уламоқ эмас, сўз билан мудроқ дилларни уйғотмоқ, кўнгилларга ҳарорат улашмоқдир.

Фараз қилингки, йўлнинг ўртасида ётган тошни кўпчилик шунчаки туртиб ўтади, журналист эса уни ё олиб ташлайди, ё атрофидагиларга олиб ташлаш жоизлигини англатади. Яна тасаввур этинг: тадбиркор йигит қишлоғингиз кўчаларини таъмир этди. Сиз бу эзгу амални қаламга олмоқ билан юзлаб кишиларни шундай ишга қўл уришга ундай олмоғингиз мумкин. Билингки, сиз унинг шахсини шунчаки мақтамадингиз, балки хайрли юмуш улуғ эканини кўнгиллардан кўнгилларга узатдингиз. Бу журналистиканинг бир қиррасидир. Яна бир жиҳат борки, сиз бунга ўзингизни обдон тайёрламоғингиз керак: бир сўз, ибора, оддий хабар устида соатлаб ишлаш кўникмасига эгамисиз? Шунга ўзингизда куч топа оласизми? Агар бу қодирликни ўзингизда мужассам этмоққа ожиз бўлсангиз, яхшиси журналистиканинг остонасига йўламанг. Журналистика — тинимсиз меҳнат дегани! Ўз-ўзингни қайта ва қайта кашф этмоқ дегани!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Ҳамдам Эшонқулов қатор йиллар Навоий вилоят ҳокимлигининг «Дўстлик байроғи» газетасига муҳаррирлик қилган. У кишининг бир ўгитини ҳеч унута олмайман: «Ҳатто оддий янгиликни қоғозга туширмоқчи бўлсангиз ҳам, меҳрингиздан бир чимдим ташланг, йўқса тузсиз ошдек таъбларни хира қилувчи баёндан бошқа нарса бўлмайди» дерди устоз. Қиссадан ҳисса шуки, ҳар айтар сўзингизни, аввало, кўнглингизда эндириб, қайта унга жон бахш этинг.

Навқирон дўстим, баъзан шундай мурожаатлар бўладики, беихтиёр, ўйга толаман. Журналистнинг ёзмоқчи бўлган мавзулари кунлар, ҳафталар, ойлар ва ҳатто, йиллар давомида фикри-хаёлида айланиб, маълум маънода тинчини «ўғирлаб» қўймоғи керак. «Бирор мавзу айтинг, ёзиб келай», дейишганида, эҳтимол, шу боис кўнглимда хижиллик уйғонар. Майли, бир-икки марта бу борада сизга кўмаклашмоқ ўринлидир. Лекин мудом шу тахлит иш кўрмоқ, журналист сифатидаги ҳаётий қарашларингизнинг қашшоқлигидан далолат беради. Бир тадбирда қатнашиб, тўрт йўллик хабар ёзмоқ мумкиндир. Лекин ўнлаб мавзуларни ён дафтарчангизга қайд этиб қўя олмадингизми, бу иштирокингиз давомида, демак, ҳеч нарса ололмабсиз бу анжумандан, вақтингиз зое кетибди. Журналист тадбирда қатнашмайди, тадбир давомида ишлайди, ишламоғига замин яратади, аслида!

Келинг, яна бир масала хусусида ўртоқлашайлик. Бизга устозларимиз «Сарлавҳа — ярим мақола» дея уқтиришган. Сарлавҳалардаги такрорлар, мавзуга уйғунмаслиги, шунчаки номланишлар битикларингизни ўқувчи назаридан четлаштирмоғи мумкин. Хўш, сарлавҳа қандай қўйилмоғи, танланмоғи керак, дерсиз. Бу хусусда устозларимиз кўп ёзишган. Шу ўринда мен ҳам ўз фикримни айтмоқ бўлсам, сарлавҳа ўқувчини материалнинг ичига бошлаб кета билмоғи учун сиз ёзмоқчи бўлган материалларингиз билан бир муддат «яшай» олмоғингиз керак. Қаламга олмоқчи бўлган мавзуингизни қай маънодадир кўз ўнгингизда тасаввур этинг. Таъбир жоиз бўлса, унинг, аввало, «суягини» ясаб олинг ва шу ўринда эътибор қаратингки, ҳеч бир ишингизни тутиб турувчи «суяги» бир-бирининг такрори бўлмасин!

Азиз бўлажак ҳамкасбим, журналист маданияти касб маҳоратига нечоғли боғлиқлиги, бири-бирини тўлдириб турувчи фазилатлар экани асло хаёлингиздан ўйироқлашмасин. Нафс балоси, таъмагирликдек дардни остонангизга ҳеч қачон йўлатманг. Ҳалол ризқ сизни ҳамиша маънан, жисмонан тетик ва бақувват, руҳиятингизни соғ-омон олиб юришига, хотиржамликдек лаззат катта бойлигингиз эканига қаттиқ ишонинг ва қаноатли бўлинг... Қайси ташкилотга, қандай материал тайёрлаш учун бормоқчи бўлсангиз, аввало, ана шу борада тушунча ва маълумотларга эга бўлишга ҳаракат қилинг. Билиб қўйингки, барча бирдек «Марҳамат, журналист келибди» дея қарши олмаслиги мумкин. Сиз ўзингизнинг чиройли одобингиз, муомалангиздаги самимийлик, журналистга хос зукколигингиз билан суҳбатдошингизнинг кўнглига йўл топа олинг. Тўғри, сизнинг журналист сифатидаги ҳуқуқингиз бор. Лекин сиз материал ёзиш учун инсон билан гаплашасиз. Битганларингиз ўқишли ва ҳозиржавоб, маълумотларга бой бўлиши учун, аввало, қаршингиздаги шахс билан инсон бўлиб суҳбат қура олинг. «Фалон нарсага қодирман» дея столга мушт уриш билан журналистика маданиятига путур етказишингиз, кўзлаган муддаонгизга эриша олмаслигингиз эса ўзингизга, ижодингизга зарардан бошқа нарса эмас! Яна бир гап: суҳбатдошни тинглай билиш ҳам бир санъат. Баъзида соатлаб кимнидир тинглайсиз, кузатасиз, таҳлил этасиз, аммо ҳеч нарса ёзмассиз, балки ёзганингиз чоп этилмас. Шундай чоғлар ҳечам оғринманг: бу мавзу қачондир ёзадиган туркум материалларингизга замин бўлиб хизмат қилиши мумкин...

Келинг, шу ерда сизга етказмоқчи бўлган фикрларим баёнига нуқта қўяй. Дарвоқе, сўзим ибтидосидаги хотираларга қайтсам: қаламлари ўқувчилик йилларимиздаёқ анча чархланиб қолган дугоналаримнинг ҳар иккиси негадир мактабни тугатгач, журналист бўлиш хусусида иккиланиб қолишди. Эҳтимол, ҳамма нарсани ўз вақтида англашда ҳам бир ҳикмат бордир.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Қуйи матбуот фаолиятидан

Муштарий эътирофи

Кейинги йилларда туман нашрларининг фаолияти тубдан ўзгариб бормоқда. Хусусан, замонавий дизайн, долзарб мавзудаги таҳлилий мақолалар газетхон эътирофига сазовор бўлмоқда. Халқ депутатлари Пастдарғом туман кенгаши ва туман ҳокимлиги муассислигида чоп этилаётган "Пастдарғом ҳақиқати" газетаси ҳам айни вақтда бу каби янгиланишларни бошдан кечиряпти.

— Шу маънода, бизнинг олдимизга катта талаб қўйилган, — дейди газета бош муҳаррири Бахтиёр Шукуров. — Қолаверса, туманимиз ҳудуд жиҳатидан катта, аҳолиси 283 мингдан ортиқни ташкил қилади.

Газета айни вақтда 3600 нусхада, А-3 форматида чоп этилмоқда. Ҳафтасига уч маротаба босмадан чиқаётган туман нашрини чекка қишлоқларда ҳам севиб ўқишмоқда. Туман кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашгани боис, газета саҳифаларида деҳқон ва фермер хўжаликларига оид иқтисодий терминлар, қабул қилинаётган янги қонунлар, уларнинг туб моҳияти "Сўраган эдингиз" рукни остида бериб борилмоқда.

Туманда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари таҳририят билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бинобарин, газета саҳифаларидан таълим соҳасига оид сўнгги янгиликлар ёритиб борилади.

Ў.ҚАРШИЕВ

Матбуот бизни ўзига ишонтириши билан ҳам фойдалидир.

Сэмюэл БАТЛЕР.

Дараклар

ЭРКАКЛАР УЧУН ХАВФЛИ ИЧИМЛИК

Америкалик олимлар фикрига кўра, газланган ширали ичимликлар инсон организми, айниқса, эркаклар саломатлиги учун катта хавф туғдирар экан.

Тадқиқотчилар 20 йил мобайнида 45 минг кишининг соғлиғи ҳақидаги маълумотларни йиғиб таҳлил қилдилар. Респондентлар ҳар 2 йилда ўзларининг соғлиғи, овқатланиш тартиби ва одатлари ҳақида маълумот берувчи анкеталарга жавоб бериб боришди. Бу вақт оралиғида уларнинг қон анализлари ҳам текшириб турилди.

Аниқланишича, газланган ичимликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилган эркакларда юрак-қон томир касалликларига тез чалиниш эҳтимоли юқори бўлган. Бу борада аёлларнинг кўрсаткичи ҳам яхши эмас, мазкур ҳолатда уларда қанд касаллигига мойиллик кучли бўлади. Шу боис, олимлар газланган ширин ичимликларни истеъмол қилишни камайтириш ёки умуман тўхтатишни маслаҳат беришмоқда.

ТЎҚЛИККА — ШЎХЛИК

Лондон суди қарорига мувофиқ, шаҳар миллионерларидан бирининг қизи, 20 ёшли Лора Жексон 2 йил қамоқ жазосини ўташи лозим. У ўтган йили Лондондаги тартибсизликлар чоғида ўғрилик қилганликда айбланмоқда.

Полиция ходимлари Лорани Гринвичдаги маиший хизмат кўрсатиш дўкони олдида қўлга олишган. Унинг машинаси юкхонасидан жами 5 минг фунтга тенг телевизорлар, микротўлқинли печлар ва уяли алоқа телефонлари топилган.

Судда адвокатлар қизнинг хатти-ҳаракатларини психологик муаммолар билан боғлашга уринишган. Умуман олганда, Британия матбуоти ҳозирда қизнинг отаси фаолиятига ҳам тўхталиб, бир неча йил олдин у порнографик маҳсулотларни тарқатувчи сайтларга раҳбарлик қилгани ҳақида маълумотларни тарқатмоқда.

БАТАРЕЯЛИ САМОЛЁТ

Қуёш батареялари ёрдамида ҳаракатга келувчи «Solar Imphlse» номли самолёт ўзининг трансконтинентал парвозининг бир қисмини амалга ошириб, Мадрид шаҳрига қўнди. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Швейцариянинг Пейер шаҳрида старт олган самолёт ўз парвозини Марокаш пойтахти — Работда ниҳоясига етказилиши кутилмоқда. Учувчилар 48 соатда 2,5 минг километр йўлни босиб ўтиш ниятида. Ушбу вақт давомида парвоз кўнгилдагидек кечса, бу қуёш батареяларида парвоз қилувчи самолёт учун рекорд натижа ҳисобланади.

Самолётни икки учувчи бошқармоқда. Андре Боршбера самолётни Мадрид шаҳригача бошқарган бўлса, парвознинг иккинчи қисмида Бертрон Пикар бошқарувни қўлга олади.

ҲАР УЧИНЧИ АМЕРИКАЛИК — ОЙПАРАСТ

Ҳар учинчи америкалик уйқу вақтида ихтиёрсиз равишда ҳар хил ҳаракатларни амалга оширар экан. «The Daily Telegraph» нашрининг хабар беришича, АҚШ ва франциялик бир гуруҳ олимлар қатор тажрибалардан сўнг шундай тўхтамга келишди.

Тадқиқотларда 18 ёшдан юқори бўлган 19 мингдан зиёд фуқаро иштирок этди. Олимлар тадқиқот иштирокчиларида йил давомида, ҳатто ҳаётида шу кунгача намоён бўлган лунатизм аломатлари ҳақида суриштирув ўтказган. Унга кўра, 29 фоиз респондентлар умрида камида бир марта лунатизм ҳолатига тушган. 3,6 фоизи сўнгги бир йил ичида уйқусида турли ҳаракатларни амалга оширганлигини тан олган. Сўров иштирокчиларининг 1 фоиздан кўпроғи эса бир ойда камида икки марта лунатизм аломатларини бошдан кечирган экан.

Шунингдек, олимлар мазкур маълумотларни таҳлил қилиб, лунатизмнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам аниқлашди. Маълум бўлишича, ушбу касаллик обстуктив апноэ уйқуси синдроми аниқланган, алкоголизм хасталигига дучор бўлган ҳамда тушкунликка қарши препаратларни кўп истеъмол қилган кишиларда учрар экан.

БИР СОАТДА 22 ГИГАВАТТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

Германия бир соатда қуёш энергиясини ишлаб чиқариш бўйича жаҳон кўрсаткичини янгилади, деб хабар берди «Rauters» ахборот агентлиги.

Бу вақт оралиғида Германия қуёш энергияси ускунаси амалда 22 гигаватт электр қуввати ишлаб чиқиб шундай эътирофга сазовор бўлди. Бу — 20та атом электр станциясининг бор қувват билан худди шу муддатдаги ҳаракатига тенг, деганидир.

Ана шундай йўл билан ишлаб чиқарилган электр қуввати мамлакат ички эҳтиёжларининг 50 фоизини қаноатлантира олади.

Айни вақтда Германия аҳолисининг 20 фоизи мазкур манбадан фойдаланиб келмоқда. Вақти-соати келиб Германия бутунлай ушбу янгиланиб турадиган электр манбасига ўтишни режалаштирган.

Ҳукумат Японияда «Фукусима-1» АЭС ҳалокатидан сўнг атом энергиясидан воз кечишни олдига мақсад қилиб қўйган. Мамлакатда 2011 йилда 8 та АЭС ишини тўхтатган бўлса, 2022 йилгача яна қолган 9 та шундай энергия манбаси ёпилиши режалаштирилмоқда.

ЕРЛИКЛАРНИ ҚИЗИҚ ҲОЛАТ КУТМОҚДА

BFM.ru нашри эълон қилган маълумотларга қараганда, ерликлар яқин кунларда Венеранинг транзит ҳолатига гувоҳ бўлишлари мумкин. Сайёра шу йил 5 ва 6 июнь кунлари Ер ва Қуёшнинг ўртасидан кесиб ўтади. Унинг бу каби "саёҳати" яна 105 йилдан сўнг такрорланиши мумкин.

Бир қарашда Венеранинг бундай ҳаракатланиши қуёш тутилишига ҳам ўхшаб кетади, бироқ ундан фарқли жиҳати шундаки, бу сафар қуёш айланасида атиги бир неча соат давомидагина кичкина қора нуқта пайдо бўлиб туради, холос.

Венеранинг қуёш дискини кесиб ўтиши ҳар 243 йилда жуфт ҳолда — икки маротаба қишки транзит 8 йил оралиғида 121,5 фарқи билан ва яна шундай ҳолат ёзги мавсумда такрорланади.

Яқин кунларда содир бўлиши кутилаётган Венеранинг бу галги кесишуви охиргиси ҳисобланади. Сабаби, илк маротаба биринчи қисм 1874 йилнинг декабрь ойида бошланган бўлса, иккинчи "айланиш" 1882 йилда; биринчи ёзги транзит эса 2004 йилда кузатилган, кейингиси хабар қилинганидек, июнь ойининг биринчи ҳафталигида бўлиб ўтади.

ОЙДА ТИТАН РУДАСИ

АҚШнинг «Lunar Reconnaissance Orbiter» деб номланган космик ускунаси ёрдамида ойнинг юқори қатлами ўрганилиши натижасида ердагига нисбатан 10 чандон кўп титан рудаси борлиги аниқланди.

Аппарат ёрдамида тузилган янги ой харитаси у ерда турли ранглар билан жилоланувчи тўлқинлар борлигини ҳам исботлади.

Ойга қараган инсон унинг бир ҳилда жилоланиб турганини кўриши мумкин, аммо Аризона ва Жон университети олимлари томонидан ойнинг юқори қатламини ультрабинафша нурлар орқали кўриш бўйича олиб борилган тадқиқот натижасига кўра, у ерда бир неча ранглар жилоси мавжланиши аниқланди.

Ойда титан ва темир рудаларининг борлиги унинг ер билан боғлиқ вазифаларни бажариш ва ўрганишда қўл келиши мумкин. Титан — зангламайдиган, енгил модда бўлиб, ерда ушбу фойдали қазилманинг атиги 1 фоиз мавжудлиги аниқланган, холос.

ЛИТВАДА ПУФАКБОЗЛИК БАЙРАМИ БОШЛАНДИ

«REGNUM» ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, Литва шаҳарларида анъанавий совун пуфакчалари ва «Бурбулятор» яхши кайфият фестивали бошланди. Тадбир 28 май куни очилиб, ёз бўйи давом этади.

Ташкилотчиларнинг фикрига кўра, «Бурбулятор» иштирокчилари тўпланишиб биргаликда совун пуфакчаларини ҳавога учиришади, ўйинкулгу қилишади. Бу каби тадбирлар одамлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг дўстлашувига ва бир-бирларига янада яқин муносабатда бўлишларига сабаб бўлади. Келгусида Лондон, Эдинбург, Копенгаген ва Дублин шаҳарларида ҳам бундай байрамона дастурлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, «Бурбулятор» фестивали Литвада тўртинчи маротаба ўтказилмоқда.

Отабек ОТАЁРОВ, Садоқат АСЛАНОВА тайёрлади.

Бухоро Давлат тиббиёт институти томонидан Ҳамроев Дилшод Абдуманнонович номига берилган 255836 рақамли диплом йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шарҳ

Мўъжизалар мамлакати

Бугун Хитой мўъжизаси дунёни ҳайратга солаяпти. Айниқса, 2010 йилнинг иккинчи чорагида унинг Япония иқтисодиёти (ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,28 триллион АҚШ долларини ташкил этди)ни ортда қолдиргани катта шов-шувларга сабаб бўлганди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,33 триллион долларга тенглашган Хитой АҚШдан кейинги энг йирик иқтисоди юксак давлатга айланди. Балки бу ҳолат бир қарашда унчалар шов-шувга арзимас. Нима бўлганда ҳам мамлакат ўзининг кўп миллиардли аҳолиси билан том маънода жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан йирик давлатига айланиб бораётгани бор гап.



Экспертлар ушбу муваффақиятни мушакнинг тез ёниб ўчадиган ёғдусига эмас, балки порлоқ юлдузга қиёсламоқдалар. XX асрнинг 70-йиллари охирида бозор иқтисодиётига оид ислоҳотларни бошлаган қолоқ мамлакат бугун дунёнинг иқтисодиёти гуркираб ўсаётган кучли беш давлати қаторидан жой олди. Аҳолининг даромадлари бир неча баробар ўсди, юз миллионлаб одамлар қашшоқликдан халос бўлдилар. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатлар моддий ишлаб чиқариш тармоғини учинчи дунё мамлакатларига кўчираётган бир пайтда Хитой ўзининг арзон ишчи кучи эвазига реал иқтисодий ва аграр секторни яратишга муваффақ бўлган камсонли мамлакатлардан бири бўлиб қолмоқда. Натижада у «жаҳон фабрикаси» номини олди. Ривожланган давлатлар катта ишонч билан ўз сармоялари ва ишлаб чиқариш технологияларини ушбу мамлакатга кўчира бошладилар.

Рақамларга эътибор беринг: Хитой 1990 йилда 10,5 миллиард хорижий сармояни ўзлаштирган бўлса, 2005 йилда бу рақам 68 миллиард долларга етди. Шубҳасиз, иқтисодиётдаги мўъжиза туфайли Чин юрти биринкетин гигантлар саналмиш Германия, Франция, Англия ва Японияни қувиб ўтди. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, 2030 йилга бориб Хитой АҚШни ҳам ортда қолдириши мумкин. XXРнинг тараққиётида шубҳасиз эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши муҳим роль ўйнамоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Хитойда 4 та махсус иқтисодий зона (минтақа)лар — Шэньчжэнь, Чжухай, Шаньтоу, Сямэнь, 14 та эркин савдо, 53 та юқори ва янги технологиялар, 70 дан ортиқ хорижда таълим олган мутахассислар учун илмий-техникавий, 38 та экспортбоп маҳсулотларни қайта ишлайдиган зоналар фаолият кўрсатмоқдаки, буларнинг бари Чин юрти иқтисодиётининг йилига 8-10 фоиз ўсишини таъминлашга хизмат қилаётир.

— Юз берган ҳодиса охирги ўнйилликда Хитой Японияни ортда қолдириб кетганини тасдиқлайди. У ўз минтақасида қўшни давлатларнинг бош савдо ҳамкорига айланди, — дейди Вашингтондаги Петерсон халқаро иқтисодиёт институтининг эксперти Николас Ларди.

Таъкидлаш керакки, Хитойнинг ер майдони деярли АҚШ ҳудудига тенг келса-да, бу мамлакатда дунё аҳолисининг бешдан бир қисми истиқомат қилади.

Хитойнинг савдодаги ҳукмронлиги, хорижий валютада сақланаётган улкан захиралари борган сари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси бозорларига илдам кириб бориб, халқаро саҳнадаги ўрнини янада мустаҳкамламоқда.

Хитой бугунги кунда АҚШ ва Европа билан бир томондан, хомашё бозоридан мустаҳкам жой эгаллаш учун ҳаракат қилаётган бўлса, иккинчи томондан, йирик корпорациялар ва технологик фирмаларга катта имкониятларни ваъда қилган ҳолда уларни ўзининг ички бозорига сафарбар қилишга муяссар бўлаётир. Дунё бозоридаги бу кураш Хитой учун муваффақиятли кечаётгани аниқ. Хусусан, мазкур мамлакат иқтисодиёти АҚШ иқтисодиётининг учдан бир қисмига тенг бўлганига қарамай, енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича океанорти мамлакатини ортда қолдираяпти. Caterpillar, General Electric, General Motors, Siemens каби ўта йирик корпорациялар агрессив тарзда тадқиқот марказлари ва тараққиёт плацдармлари билан бирга Хитой бозорига ёпирилаётгани сири ҳам шунда бўлса керак.

Мамлакатда эскириб қолган корхоналарнинг босқичма-босқич беркитилаётгани ёки улар модернизация қилинаётгани Дуне экологлари томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Хитой раҳбариятининг Ғарб давлатларидан фарқли ўлароқ ресурсларни керакли жойга сарфлай олаётгани ҳам мўъжизакор сирлардан биридир. Шу муносабат билан назариётчи иқтисодчилар Ғарбнинг бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизими қанчалар самарали, деган баҳсга киришиб кетдилар. Чунки иқтисодий ўсиш борган сари Ғарбдан Осиёга кўчмоқда. Шу ўринда бугун ХХРдаги ички талаб нафақат 1,3 миллиардли инсонлар ҳисобига, балки аста-секин бойиб бораётган аҳоли ҳисобига ҳам таъминланаётгани эътиборлидир. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1981 йилда мамлакатдаги қашшоқлар 53 фоизни ташкил этгани ҳолда бугунга келиб бу кўрсаткич, расмий маълумотларга кўра, 2,5 фоизга тушиб қолганига гувоҳ бўламиз. Хитойнинг яна бир каттагина имконияти аксилинқироз дастурларини молиялаш учун пулни қаердан олиш кераклиги ҳақида бош қотирмаслигидир. Ислоҳотлар муваффақияти натижасида Хитойнинг олтин валюта захиралари миқдори 2 триллон доллардан ошиб кетди. Шу боис иқтисодчиларнинг аксарияти бу йил ҳам ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш ҳажми барқарор бўлишини таъкидламоқда.

Бугунги кунда дунёни Хитой маҳсулотларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Осиё гиганти айни пайтда хорижга, асосан АҚШ, Гонконг, Япония, Корея бозорларига юз минглаб номдаги маҳсулотларни жўнатмоқда. У, ўз навбатида, қўшни мамлакатлардан кўпроқ хомашё ёки юқори технологияли материаллар сотиб олади. Ваҳоланки, 1993 йилгача Хитойнинг ўзи минтақанинг бошқа мамлакатларини нефть билан таъминлаб келган. Бироқ нефть саноати иқтисодий юксалиш ортидан қувиб етолмади. Натижада мамлакат энергетик маҳсулотларни хориждан сотиб олишга мажбур бўлди. 2009 йили Саудия Арабистонидан «қора олтин» импорт қилишда АҚШдан ўзиб кетди. 2011 йилдан «Роснефть» Хитойга йилига 15 миллион тонна нефть етказиб бериш мажбуриятини олган бўлса, унинг Марказий Осиё давлатлари билан газ етказиб бериш борасидаги битимлари амалга кўчди.

Хуллас, дунё Хитой мўъжизасига қойил қолмоқда. Йирик саноатлашган давлатларнинг чуқур инқироз чоҳидан чиқолмаётган бир пайтда Хитойнинг бир ярим миллиардга яқинлашган аҳолиси билан улкан натижаларни қўлга киритаётгани инсониятни ҳақиқатдан ҳам таажжубга солмай қўймайди.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Шу куннинг мавзуси

Доимий прописканғиз борми?

ёхуд Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиб-қоидалари ҳақида

Бугунги кунда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, халқимиз манфаатларига хизмат қилиб келмоқда.

2011 йил 14 сентябрда "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарор билан "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги, "Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисида"ги низомлар тасдиқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун юқорида келтирилган қонун билан тасдиқланган рўйхатда белгиланган тоифага асосан Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қилинади. Бунда давлат ҳокимияти тегишли органи, давлат ва хўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг ишга таклиф этилаётган шахснинг ишончлилиги кафолати билан бирга илтимосномаси, шунингдек, лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқдан кўчирма тақдим этилади. Бундан ташқари, эр ёки хотинни амалда яшаётган жойига прописка қилиш учун улар камида бир йил бирга яшаган бўлишлари керак. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ва профилактика инспектори томонидан имзоланган бу ҳақдаги маълумотномалар инобатга олинади.

Эндиликда пойтахтимиз ва пойтахт вилоятида олди-сотди битимларини, алмаштириш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишга бир қатор талаблар қўйилди. Хусусан, ушбу жараён сотиб олувчи Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлганда, Тошкент шаҳри ҳудудида камида 3 йил доимий яшаганда (лавозимда бўлганда), шунингдек, қонун билан тасдиқланган Рўйхатнинг 2, 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланганда ва ички ишлар органининг доимий пропискаси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этилганда амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳисобда туриш учун ҳужжатлар Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига эмас, муайян ҳудуддаги милиция таянч пунктига топширилади. Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими 3 иш кунида тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлигини текшириб, агар улар қонун билан тасдиқланган Рўйхатдаги тоифаларга мувофиқ бўлса, доимий пропискани расмийлаштиради.

Пропискани расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ва ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган маълумотлар аниқланган, ҳужжатлар қалбакилаштирилган тақдирда доимий прописка ички ишлар органлари томонидан бекор қилинади. Кейинчалик материаллар тергов органларига юборилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш масаласи бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, жамоат хавфсизлигини таъминлашга, уларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Анвар ҚОДИРОВ,
Адлия вазирлиги Жиноий маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси катта маслаҳатчиси

Солиқ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юридик ва жисмоний шахслар томонидан товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишда нақд пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишни такомиллаштиришга қаратилгандир.

Қонуний фаолиятнинг муҳим гарови

Мазкур қарор билан иккита низом тасдиқланган. Биринчиси фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини хўжалик юритувчи субъект томонидан қўллаш тартибини белгилайди. Ушбу низомда, шунингдек, фаолияти хусусиятига кўра пуллик ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган НКМни қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектлар айрим тоифаларининг аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобини ҳисобга олиш тартиби, касса операцияларини юритиш, НКМга техник хизмат кўрсатувчиларга қўлланиладиган алоҳида талаблар ҳам ўз аксини топган. Шунга мувофиқ, давлат реестрига киритилмаган НКМ ва уларнинг дастурий маҳсулотлари (версиялари)ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш мумкин эмас. НКМ аккредитация қилинган сертификация бўйича мажбурий тартибда сертификатланиши ва хўжалик фаолияти амалга ошириладиган жой бўйича туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Сертификатга эга бўлмаган ва белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган ҳамда солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилмаган НКМдан фойдаланилса, айбдор шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар жавобгарликка тортилади.

Иккинчи низом «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом деб юритилади. У НКМни давлат реестрига киритиш ва ундан чиқариш тартибини белгилайди.

Бундан ташқари, пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори қабул қилинган. Қарорда аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари рўйхати белгилаб берилган.

Рўйхатга киритилган хўжалик субъектларининг тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва улардан фойдаланишга оид талабларга риоя қилмаслиги савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади ҳамда уларга қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этиб савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш қонуний фаолиятнинг муҳим гаровидир.

Т.МЎМИНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

Кузатув

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият қанчалик юқори бўлса, инсонлар ўртасида қонунларга ҳурмат туйғуси ҳам шу даражада кучли бўлади. Ҳуқуқий тафаккур, таълим-тарбия ривожланмаган муҳитда эса, турли қонунбузарликлар юзага келади. Шу боис бугун юртимизда ҳуқуқий саводхонликни ошириш масаласи давлат аҳамиятига молик вазифалардан бирига айланди.

Ҳуқуқ дарслари соати кўпайса...

Барчамизга маълумки, инсон камолотида мактаб жамиятда оиладан кейинги энг муҳим бўғинлардан бири ҳисобланади. Мазкур даргоҳ ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаб, катта ҳаётга ўргатади. Бу ерда яхши билим, етарли кўникма олган ёшлар келажакда ота-онасига, қишлоғига, шаҳрига, Ватанига муносиб ворислар бўлиб етишади. Шундай экан, биз ҳуқуқий маданиятни, аввало, мактабдан бошлашимиз лозим.

Эсингизда бўлса, бундан бир неча йил муқаддам, 1997 йилнинг 29 августида мамлакатимиз парламенти томонидан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури ишлаб чиқилганди. Унда аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли тизимини яратиш асосий мақсад қилиб олинган, бунга эришиш учун эса бир қатор вазифалар белгиланган эди.

Дастурда Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлар зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган. Хусусан, мактабгача тарбия муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ҳуқуқий таълим бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўқув машғулотлари ташкил этиш, педагоглар ва тарбиячиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби масалалар шулар жумласидандир.

Ушбу дастурдан келиб чиққан ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқшунослик фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилди. Махсус курслар ташкил этилди. Аммо мактаб дарсликлари орасида ҳуқуқий соҳага доир «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари» (8-синфлар учун), «Конституциявий ҳуқуқ асослари» (9-синфлар учун) каби ўқув предметларигина мавжуд. Улар асосан битирувчи синфларга ҳафтада бир соатгина (бир йилда 34 соат) ўтилади. Бу масаланинг оғриқли нуқталаридан бири бўлса, мазкур фанларни мутахассислиги бўлмаган ўқитувчилар томонидан ўқитилиши чиндан ҳам ачинарлидир.

Бундай аҳволда ўқувчилар онгида, дунёқарашида ҳуқуқий таълим-тарбиянинг самараси сезилармикин? Шундай экан, энг аввало, мактабда ҳуқуқий билимни кучайтириш мақсадида махсус адабиётлар, ўқитиш усулларини яратиш ўринли бўларди.

«Ҳа энди, мактабда ўрганмаса, коллежда ёхуд институтда ўрганар, ўша ҳуқуқий билимларни» дейдиганлар ҳам топилади. Тўғри, ушбу билим юртларида ҳам ҳуқуқ нима-ю, ҳуқуқий маданият нима эканини ўзлаштириб олиши мумкин. Лекин мактабдаги билим билан ўрта махсус ёки олий ўқув юртларидаги билимнинг фарқи катта.

Абдулла Авлоний тарбия хусусида гапирар экан, аввало, тарбия берувчининг ўзи тарбияланган бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтади. Шундай экан, бугун мактабларимизда ёшларга ҳуқуқий фанларни ўргатаётган ўқитувчиларнинг ўзлари ҳуқуқий билимга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари даврнинг талабидир. Бунинг учун шу соҳага лаёқати бор ўқитувчиларнинг малакасини ошириш керакдир,балки! Шундагина инсонларда, қолаверса, жамиятимизда ҳуқуқий тарбия устуворлик қилади.

Баҳодир МЎМИНОВ,
журналист

Бухоро автойўл фойдаланиш пудрат давлат унитар корхонаси жамоаси

Билмаганни билган яхши

Вояга етмаганларнинг розилиги талаб қилинмайди

Уй эгаси ўзига тегишли бўлган уйни сотмоқчи бўлса, мазкур уйда доимий рўйхатда турувчи вояга етмаган шахсларнинг ҳам розилиги бўлиши керакми?

Гулнора Бекмуродова
Чирчиқ шаҳри

Йўқ, бу ҳолатда уйда доимий рўйхатда турувчи вояга етмаган шахсларнинг розилиги талаб қилинмайди. Оила кодексининг 24-моддасига асосан кўчмас мулк никоҳ даврида олиниб эр (хотин)нинг номига расмийлаштирилган бўлса, хотин (эр)нинг нотариал тасдиқланган розилиги олинади. Лекин хусусийлаштирилган уй-жойни олиш-сотиш шартномаси тасдиқланаётганда уй эгасининг биргаликда яшовчи вояга етган оила аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги, албатта, бўлиши шарт.

Вояга етмаган оила аъзоларининг манфаатларини уларнинг ота-оналари, улар бўлмаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик идоралари ҳимоя қилади.

Саволга Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуси Давронбек ИБОДОВ жавоб берди.

Меросни қабул қилиб олиш муддати чегараланмаган

Васият бўйича меросхўр васиятнома кучга киргандан сўнг узоғи билан қанча муддат ичида меросни қабул қилиб олиши керак?

Турдимурод Асимов
Чиноз тумани

Фуқаролик кодексининг 146-моддасига асосан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтгандан кейин берилади. Бунинг учун меросхўр нотариал идорага мазкур гувоҳномани олиш ҳақида ариза билан мурожаат қилиши лозим.

Амалдаги Фуқаролик кодексида меросни қабул қилиш муддати чегараланмаган.

Саволга Ўртачирчиқ тумани ДНИ нотариуси Машҳура ҲОШИМОВА жавоб берди.

Ҳолат

Ижод машаққати

Опа шу кунларда ўзини қўярга жой тополмай юрибди. Биласизми, нега? У шеър ёзолмай қолди. Илгари туппа-тузуккина ёзарди. Энди эса ёзгани суробга келмайди. Бугун саҳармардондан туриб, қунт билан қофияларни роса қолиплаб, қалаштириб ташлади. Сўнг ичида ўқиди, сиртида ўқиди, овозини баралла қўйиб ҳам ўқиб кўрди. Лекин роҳат қилолмади. Ёзганингдан, аввало, ўзинг тўлқинланмасанг, этинг жимирламаса, бошқаларга йўл бўлсин?

Опа ичида ўзини койий кетди: «Пичоққа илинадиган гапинг бўлмаса, чақмоқли бир фикринг бўлмаса, нима қиласан ўзингниям, бошқаларни ҳам овора қилиб?» Лекин ёзгиси келса нима қилсин, ёзади-да, бир нав қилиб. Қайтадан ёза бошлади. Ўқиб кўрди, йўқ, кечаги фикрининг такрори бўптиқопти. Аламидан ёзганларини ғижимлаб отди.

Тунов куни телевизорда айтишди. Ғазал мулкининг султони, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий шундай деган экан: «Ижод қилмоқчи бўлган одам устоз шоирларнинг шеърларидан камида эллик минг мисрасини ёддан билиши керак». Опа ўзига ўзи савол берди: «Сен неча сатр шеърни ёддан биласан?» Эллик минг мисранинг элликдан бир қисмини ҳам билмайман, деб ўйлади-ю, иситмаси юзига урди. Ана! Ёзганинг таъсирли чиқмадими, ўзингдан кўр! Бошаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама.

У отдан тушса ҳам эгардан тушмай, кейинги куни яна қоғоз қоралашга тушди, барибир ҳеч нарса чиқмади. Яна ўша аҳвол. Сиқилгани етмагандай, тўрт яшар набираси овқатини тўкиб қўйди. Опа неварасига бир нарса демади, ўзинг яхши, ўзингдан ҳам отанг-онанг яхши, деб дастурхонни йиғиштирди, гиламни тозалаб қўйди. Йиғламсираган неварасига ичи ачиб, ой туғса ҳам сенга туғсин, кун туғса ҳам сенга туғсин, деб уни суйиб эркалади. Кўнгли бироз юмшади. Ёдига яна шеър тушди.

Аввалига кечаги, аввалги кунлари ёзганларини излашга тушди. Аччиғидан челакка отиб юборгани эсида йўқ, роса қидирди. Қаёққа йўқолдийкин? Анча меҳнат қилувди-да. Сўнг ўзини ўзи юпата бошлади. Йўқолса йўқолиптида, ўша ўхшамаган шеърлари.

Невараси Меҳрибон унинг бу ҳаракатларидан бехабар маза қилиб қўғирчоқларини эркалатиш билан овора. Бола-да. Бола дегани — қиз болами, ўғилми, ўзини ўзи овутади. Меҳрибон ўз оти билан меҳрибон. Овқат ейдими, қўғирчоқ ўйнайдими, биров кўриниб турса бўлди. Ўйнаётиб олдида ўзига қараб турган кишига ширингина кулимсираб қўяди-да, яна машғулотини давом эттиради.

Опанинг қизи врач. Шу йилдан бошлаб ишга чиқди. Болам-эй, уйда ўтириб қолиб ўзингга қарамайсанам, қаддибастингни ростлаб, кийиниб, жамолингга жилва бериб қачон ишга чиқаркансан, шунча йил бекорга ўқидингми, деб юрувди у. Ана, ишга чиқдиям. Бундан-ку, опа хурсанд. Лекин шеъри шеърга ўхшамаганидан жудаям диққат. Ишинг юришмай турганида, чарчаганингда, жизғанак бўлиб, жисму жонинг бир тутам аҳволга келганингда, ўзингни мажбурлаб, бировга кулимсираб, мулойим муомала қилишдан ҳам қийин иш йўқ. У бир азобда ўзини қўлга олиб Меҳрибонга деди:

— Болажоним, меҳрибоним, сен мана бу шоколодни еб ўтиргин, мен йўлакларни супуриб қўяй.

Қизча жон деб ширинликни қўлига олди. Опа эшик ташқарисидаги зиналарни супуриб, ҳафсала билан артиб чиқди. «Айтгандай, — ўйлади у ичида, — ҳадемай Меҳрибондан катта набиралари ҳам мактабдан келиб қолишади.» Шунинг учун дарров қозонга ўт ёқди. Ошхонани ҳам тартибга келтириб, чиннидай қилди. Опа шунақа. Одамнинг жон жойига бориб тегадиган ёқимли, кўнгилли ишларни қилишни яхши кўради.

Уй юмушлари тугамайди. Бир хирмон ювилган кир бор экан, улардан зарур-зарурини дазмоллади. Ҳаммасини дазмолласа, бошқа ишлар қолиб кетади, қизи ишдан келиши биланоқ уйига жўнаб қолишни мўлжаллаб турган опани ўз хонадонида ҳам анча-мунча ишлар кутиб турибди. Уларни ўйлаб, аквариумдаги балиқларга овқат берди. Тувакдаги гулларга сув қуйиб чиқди. Меҳмонхонадаги деразани бўйи, энини ўлчаб олди. Опа бежирим бир пардани кўзлаб юрибди. Эртага бозорга чиқиб, пардалик мато олмоқчи. Ўзинг ҳавас билан игна санчиб бир янгича буюм тикканингга нима етсин.

Опа Меҳрибондан хабар олай деб қараса, у стулчасида шоколадни ушлаганча худди симёғочларда қўниб турган ёлғиз чумчуқчага ўхшаб турибди. Кўзи тўрт бўлиб аясини кутаяпти, шекилли, деб ўйлади буриси.

— Шунча пайтдан бери конфетингни емадингми, болам? — сўради опа.

— Сиз ишларингизни тамом қилсангиз, бирга еймиз, бирга чой ичамиз, деб кутиб ўтирипман, — деди Меҳрибон.

Опа набирасининг бу гапидан яхши шеър ёзгандай қувонди. Ажиб бир мисралар, қофиялар хаёлида чарх ура бошлади...

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

Хотира — азиз

РУҲИЯТ ШОИРИ

Тилак Жўра ўзининг ёрқин шеърлари, таржималари, илмий ишлари билан ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшган ижодкорлардан. У қалбнинг қўрини, шеърнинг жозибасини, мусиқанинг оҳангини ўзининг нозиктабиати билан ҳис эта оларди. Бахшининг дўмбирасига маҳлиё бўлиб, ундан завқлана оладиган, завқу шавққа тўлиб ижод қиладиган ижодкор эди. Айниқса, мумтоз шеъриятни, бахшичиликни ниҳоятда қадрларди.

Шоирнинг бу хислатлари асарларида ҳам сезилади. Масалан, бойсунлик Шоберди бахшига бағишлаб ёзилган «Келди» номли шеърини олайлик:

Бойсун деган златдан,
Созни созлаб пир келди.
Унга эргашиб, дўстлар
Лолазорли қир келди.
Қирчиллама қиш эди,
Баҳор ҳали туш эди.
Эритиб дил қорини
Дўмбирали қўр келди...

Ушбу шеърда шоир бахши ижодига юксак баҳо бериш билан бирга, табиат манзараларини, фасллар тароватини санъаткорона, бадиий воситаларнинг лафзий ва маънавий турларидан моҳирона фойдаланиб қўйлаган.

Тилак Жўра озодлик ва эрк, Ватанга муҳаббат, миллатпарварлик руҳидаги шеърлари билан халқни адолат ва садоқат сари етаклаган зиёли шоир эди. У ҳаётда ўзи учун эмас, она Ватан, ижод, шеърият, илм ва башарият учун яшади. Унинг ҳаёт тарзи борлиққа меҳр, ишқ ва муҳаббат, севгидан иборат эди. Ўз ички туйғуларини, ҳаётбахш руҳий оламини, яшаш тарзи кечинмаларини шеъриятида тасвирларди. Адибнинг дилидаги армонларидан бири — у Ватан мустақиллигини кўрмагани бўлди. Ўз юртини, унинг сўлим боғларию майсаларини, заҳматкаш халқини «Олам остонаси — Ўзбекистоним» шеърида шундай куйлаган:

Бу элнинг қадимий ҳар қўшиғида
Бежиз олтин дея аталмас тупроқ.
Симёғочга қўнган қуш тумшуғида
Тилладай нурланиб турибди бошоқ.

Шу ўринда Тилак Жўрадан халқимизга катта адабий мерос қолганини таъкидлаш керак. «Райҳон» (1977 йил), «Олам остонаси» (1980 йил), «Юлдузлар табассуми» (1981 йил), «Чорраҳадаги уй» (1983 йил), «Синдовуч» (1988 йил), «Руҳият» (1990 йил), «Сайланма» (2011 йил) номли шеърий китоблари, турк, қорақалпоқ, озар, арман, француз, тожик, қрим татар, туркман шеъриятидан қилган таржималари ана шулар жумласидандир.

Қисқаси, адибнинг ҳаёти, илмий фаолияти, ижоди хусусида ҳали айтилмаган фикрлар кўп.

Зиёдулла ҲАМИДОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Жондор туман 4-сон механизациялашган ферма ферма фамаси

Азиз болафонлар,
Сизларга доим бахту иқбол ёр бўлсин!



юртимиздаги барча болафонларни 1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан табриклайди.

Реклама

Китобхонлик

«Узоқдаги Дилнура» китобини ўқиб Улуғбек Ҳамдам деган янги номни эмас, янги дўстни кашф этдим. Ҳар бир одамнинг ҳеч кимга айтмайдиган сири бўлади. Улуғбекнинг «Ёлғизлик» асари ана шу айтиб бўлмас сирлардан иборат.

«Ёлғизлик»даги кайфият

Ундаги қаҳрамон ўзини излаб хаёл водийсида дарвешдай кезади. Ўзидан ўзини қидиради: «Борлиғим жанг майдонига айланиб, унда икки парчам — икки мен — Ички Мен билан Ташқи Мен аёвсиз равишда бир-бирига қилич солади. Ким жароҳатланса-да, азобини мен чекаман, ким ғолиб келса-да, мағлуб мендирман!» Унинг дарвешона юраги ҳалол ошини хоҳлаган жойда ичиб кетаверади. Бу юрак катта одамники бўлса-да, гоҳ ёш боладай ҳамманинг олдида ечинади. Ҳеч кимдан ётсирамайди. Гоҳида эса ёш бўла туриб чолдан ҳам баттар инжиқ. Унинг ҳеч кимни кўргиси ҳам, ҳеч кимга кўрингиси ҳам йўқ.

«Ёлғизлик»нинг қаҳрамони аёл қаршисида бир неча бўлакларга бўлиниб, вужудининг гоҳ у бўлагида, гоҳ бу бўлагида яшайди. Аёл билан муносабатга киришар экан, сизни ҳам ўз ёғида ўзига қўшиб муҳаббат алангасида қовуради: «...Боягина пойида тиз чўкишга тайёр турганим аёлни энди суварак каби эзиб ташласам, деяверамаи... Лекин, барибир, ютқазишини аниқ биладиган қиморбознинг ўйинга бўлган сўнмас ишқи янглиғ олов мени гўзал аёллар томон етаклайверади... Сен худди олов — яқинлашсам, қуйиб кул бўламан! Узоқлашсам, совуқ қотаман... Эй, аёл! Шунча қудратли бўла туриб сени севаманми? Шунча кучли бўла туриб азоб чекаманми? Ҳаммасини — оқибатини биламан, чилпарчин бўлиб синишимдан... хабарим бор. Бироқ барибир сендан воз кечмайман — кечолмайман... Эй, Худо! Сен аралашгансан бу ишга! Йўқса, борса-келмас йўлга ўз ихтиёрим билан кирармидим?»

Китобни ўқиётганингизда ўзингизни худди бемор олдида ўтиргандай ҳис этасиз. Ундаги оғриқ танангизга кўчади. Китобни ёпарксиз, бир куни яна қайтиб келиш ниятида бемордан ноилож узоқлашиб, ўз турмушингизга — ташвишлар гирдобига шўнғийсиз. Бемор эса ҳеч қачон тузалмайди. Сиздан кейин йўлиққанларни ҳам оғриқлантираверади. Бир хил оғриқни ҳис қилган икки томон бир-бирини тушуниб, таскин ва роҳат топади. Демак, бемор бошқаларга оғриқ билан қўшиб ҳузур ҳам ато этади. Агар сиздаги дард зиёда бўлса унга ўтади. Бу — танаси бошқалар ҳам сеза оладиган ягона дард. Муаллиф вужудини саратондай чирмаб ётган дардини юлиб қоғозга ўраб сизга тутади. Ҳақиқатнинг аччиқ, шифобахш заҳри танангизга ёйилади. У сизга шафқат қилмай қаттиқ азоб беради. Чунки у сизнинг соғайишингизни жуда хоҳлайди.

«Ёлғизлик» шаклан ҳикоя ҳам, қисса ҳам эмас, кечинмалар занжиридан тузилган бадиа. (Бадиа — М.Абдулҳаким таърифича, мавҳум фикрлардан муайян хулосалар чиқариш санъати). Унинг на кириш қисми, на хотимаси бор. Ўзига хос модерн услубда ёзилган гўзал бир асар. Баланд созланган чолғунинг фақат авж пардаларда ижро этиладиган ғаройиб куйига ўхшайди.

Маҳмуд РАЖАБ

«Халқ хизматида»

Таниқли журналист, публицист-ёзувчи Исмат Очиловнинг «Янги нашр» нашриётида чоп этилган «Халқ хизматида» номли бадиий-публицистик китоби Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари, соҳа фахрийлари, фаоллари ҳаёти ва меҳнат фаолиятига бағишланган.

Китоб тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда касаба уюшмаларида меҳнат қилган соҳа фидойилари ҳамда ҳозирда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ибратли ишлари, ҳаёт йўли ва тажрибалари ҳақида ўзига хос тарзда ҳикоя қилинади.

Касаба уюшмалари фаолияти ва соҳа жонкуярлари ҳақида ёзилган, чоп этилган китоблар, рисолалар, албатта, оз эмас. Лекин муаллиф И.Очилов мазкур китобида жамият тараққиётига кўмак берувчи мазкур жамоат ташкилотининг давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг ғайратли иштирокчиси эканлигига эътибор қаратади.

Ўтган қисқа фурсатда республика касаба уюшмалари тизимида вужудга келган илғор иш услубларининг амалиётда қандай қўлланилаётганини таҳлил қилади, баҳо беради ва шарҳлайди.

Китобнинг биринчи қисми «Касаба уюшмалари ислоҳотлар жараёнида» деб номланган ва тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашларининг мустақиллик йилларидаги фаолиятини қамраб олган. «Барҳаёт анъаналар», «Хайрли ишлар давом этади», «Шарафли йўлда», «Ислоҳотлар самараси учун дахлдормиз», «Ҳаёт курашдан иборат», «Бунёдкорлар таянчи» сингари бир қатор мақолаларда иқтисодиётимиз ва маънавиятимизнинг муҳим тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобнинг «Инсонни улуғлаб бахт топганлар» қисмида бугунги кунда касаба уюшмалари сафида турли бўғинларда меҳнат қилаётган, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган соҳа фаоллари томонидан олиб борилаётган хайрли ишлар қаламга олинган.

Китобхон асарни ўқиш жараёнида Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари мактабининг ўтмиши, бугуни, йиллар давомида шаклланган анъаналари, бу мактабнинг эл-юрт тараққиётига катта ҳисса қўшган фахрийлари ва фаолларининг тажрибалари билан танишади, соҳада «Инсонга наф келтириш — бахт» шиори остида амалга оширилаётган савобли ишлардан баҳраманд бўлади, ўзи учун ибратли сабоқ олади.

Н.ОСТОНОВ,
журналист

Замонамиз ёшлари



ИЛК ҚАДАМ

Республика Рассомлик коллежида тез-тез иқтидорли ўқувчилар, устоз рассомлар яратган бадиий асарларнинг кўргазмаси бўлиб туради. Бундай ижод маҳсуллари, албатта, бирор бир ўзига хос жиҳати билан диққатингизни тортади. «Илк қадам» деб номланган галдаги кўргазмада коллежнинг лак миниатюраси бўлими 2-босқич ўқувчилари — опа-сингил Гулираъно ва Гулҳаё Абдуллаевалар-нинг бир мавзуда, аммо бир-бирига ўхшамаган юзта асари намойиш этилди.

Опа-сингиллар ҳали анча ёш бўлса-да, уларнинг тасвирий санъат дунёсига жиддий қадам қўйганлиги улар ҳавола этган миниатюра, манзара ва натюрмортларда сезилиб турибди. Асосан миниатюра жанрида ижод қиладиган икки ёш рассом яратиқларида маҳаллий ва миллий ашёлардан унумли фойдаланади. Жумладан, томоша қовоқ, носковоқларга тасвирланган «Оила муқаддас», «Оила», «Гўзал қиз» каби асарларини кўриб ҳайратлансангиз, фонига дид билан атлас, адрас каби миллий матолар тортилган, бежирим ёғоч рамкаларга солинган график ишларни томоша қилганингизда кўзингиз яна қувнайди.

Эътиборлиси, улар эришган ютуқларидан қониқмасдан, ижодларини янада шакллантириш ниятида. Келажакда опа-сингиллар миниатюра санъатини маҳобатли деворий рангтасвир билан уйғунлаштириб, улкан асарлар яратишмоқчи. Уларга бу орзулари рўёбга чиқишида болалигиданоқ тўғри йўналтириб, қўлларига мўйқалам тутқазган рассом ота-онаси Абдулла ва Мазифа Очиловлар яқиндан кўмаклашмоқда.

Бугунги ёшлар ижоди ва мазкур кўргазма хусусида коллеж директори Орзиқул Рўзиевнинг фикрини сўрадик:

— Нафақат тасвирий санъатда, илм, кашфиётлар, лойиҳалаш, муҳандислик ва бошқа кўплаб соҳаларда истеъдодли ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатида энг муҳим масалалардан бири, десак янглишмаймиз. Гулираъно ва Гулҳаёларнинг ўз асарларини бир ерга жамлаб, ижодкор сифатида илк бор шахсий кўргазмасини ташкил этиши ҳам юртимизда ёшларга алоҳида эътиборнинг намунасидир. Бу уларга ўз ижодига бир назар ташлашига, ютуқ ва камчиликлари нимада эканини англашларига ёрдам беради. Бундай ёшларга Бадиий академия раҳбарияти ҳам жиддий эътибор бериб, қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Хулоса ўрнида коллежда бу йилда рангтасвир, кино ва театр санъати рассомлиги бўлими ҳамда ҳайкалтарошлик бўлимлари ўқувчиларининг саралланган асарлари кўргазмалари ўтказилишини айтиб ўтиш жоиз.

Гулнора РАҲМОН





Хилқат

Чанқовузим "буёв-буёв"

Ўзбек миллий чолғу асбоблари ранг-баранглиги садоларининг ўзига хослиги билан ажиралиб туради. Миллий ижрочилигимизда улардан унумли фойдаланилаётгани тарихимизга, анъана ва урф одатларимизга халқимизнинг чуқур ҳурматини англатади. Аксарият чолғуларни ижро этиш созандадан юқори малака тажриба талаб қилади. Лекин халқимиз орасида кенг тарқалган шундай содда чолғуларимиз ҳам борки, улар энг халқчил оммабоп бўлиш билан бирга инсониятнинг руҳиятини халқ ижодиётининг тароватини ифодаловчи товушлар садосини яратиш хусусиятига ҳам эгадир. Буларга чанқовуз ва сибизғани мисол қилиб келтиришимиз мумкин.



Чанқовуз деганда дарҳол оҳанглар ила юракнинг нозик торларини тебратиб юборадиган, момоларимиз чалганида биз қалб қўримиз билан тинглайдиган қадимий чолғу тури кўз олдимизга келади. Унинг тарихига назар ташласак: Чанқовузни металлдан ва туя суягидан тайёрланган хилларининг мавжудлиги ушбу чолғу асбоби металл истеъмоли бошланган даврдан ҳам олдин мавжуд бўлганлигига ишоратдир. Манбаларда қайд этилишича ўтмишда Хитойнинг жанубида яшайдиган аҳоли қамишдан чанқовуз ясаган, деган фикрлар мавжуд. У қадимдан Ўзбекистон ҳудудининг ҳамма вилоят ва шаҳарларида ҳам кенг тарқалган.

Чанқовуз чаладиганлар азалдан асосан аёллар бўлиб, якка ҳолда ва биргаликда ижро қилинган. Баъзан ўн-ўн бешта ижрочилар қўшилиб чалиш ҳолатлари ҳам учрайди. Чанқовуз, айниқса, иккинчи жаҳон уруши даврида жуда оммалашган. Бу ҳолатни халқ бошига тушган ғамташвишларнинг кўлами билан боғлаш мумкин. Ўша даврда аёллар биргаликда чанқовуз чалиб дардлардан фориғ бўлишган ёки фикрларини тинитиб янги орзу-умидлар сари интилишган. Ҳозирда бу чолғу қадрият сифатида Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида сақланиб қолган. Шу ўринда сурхон воҳасининг қадимий чолғу асбоби — сибизға тўғрисида ҳам қуйидаги қизиқарли маълумотни бериб ўтиш ўринлидир.

Сибизға ўтган асрнинг йигирманчи йилларида халқ орасида миснай баъзи манбаларда келтирилишича «сибизиқ» деб юритилиб келинаётган мазкур чолғу асбобининг яратувчилари асосан чорвадорлар ва чўпонлар бўлган. У қамишдан ясалган най туридаги чолғу асбоби бўлиб, узунлиги ўн беш сантиметрни ташкил этади. Ундаги тешик пардалари сони уч-тўртта, баъзиларида бешолтитагача етади. Сибизғадан таралаётган ажиб куй ва наволар оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган. Унинг овози ёқимли ва жарангдор. Ҳозирги кунда сурхон воҳасининг маҳаллий халқи томонидан яратилган сибизға куйларининг оҳангдорлиги ва мазмундорлиги ҳисобга олиниб маҳоратли чолғучилар, мусиқашунослар томонидан замонавий руҳдаги куйлар яратилмоқда. Эндиликда чанқовуз ва сибизға сингари қадриятларимиз дунё тамаддунида халқимизнинг ўзига хос маданий мероси сифатида қадрланиб келинмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Маданияти ва спорт ишлари вазирлиги, «ТерраТермиз» ижодий-этнографик интернет ҳамжамияти, Тошкент фотосуратлар уйи, «ZiyoNet» жамоат таълими ахборот тармоғи томонидан Ўзбекистон амалий санъат музейида «Чанқовуз садоси» мусиқа фестивали ташкил этилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Дурдона МУХТОРОВА

Қатра

ҮЙҒОНИШ

У тонг чоғи ишга отланаркан, боши узра фидоланаётган офтобга ташаккур дегиси келди. Дарҳақиқат, у ҳар тонг она табиатни ажиб тароват билан уйғотади.

Кейин...

Кейин у ўйланиб қолди: «Аёл ҳам қуёшга ўхшайди-я!»

Кечмиш ҳаёти кўз ўнгида жонланди.

У бола эди.

Бир меҳрибон аёл уни тонгда уйғотарди:

— Тур, болам, мактабингга кеч қоласан...

У йигит эди.

Бир мунис аёл уни бедор этарди:

— Тур, ўғлим ўқишингга кечикасан...

У эркак бўлди.

Бир гўзал аёл уни азонлаб уйғотди:

— Туринг, дадаси, ишга кечикаяпсиз...

— Ҳа, — деди у. — Қуёшга — Онага — Аёлга ташаккур!

Мансур ЖУМАЕВ

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Жиззах. Бахмал тумани. Бир этаги ўрмонга туташиб кетган Музбулоқ қишлоғи. Ойқортоғнинг чўққиларида ярқираган қор уфори атрофга салқинлик бағишлайди. Сойда сув сероб. Қушлар, ҳайвонлар ташналигини қондириш учун сойга интилади.

Бу пайт музбулоқлик уч ўртоқ қуюқ буталар орасида ҳордиқ чиқариб, гурунгни қизитиб ўтирган маҳал уларнинг эътиборини чанқоғини бостириш учун сой томон келаётган айиқ боласи тортди. Аввалари бу ҳайвонга сира дуч келмаган ўртоқлар ҳайратда қотиб қолишди. Бу орада айиқча муздай сувни сипқориб яна бир-бир босиб ўрмон ичкарисига кириб кетди...

— Айиқнинг боласига тегмай яхши қилибсизлар, — деди оқсоқол Султон ака уларни эшитиб бўлгач. — Бўлмаса унинг онаси бутун қишлоқни вайрон қиларди.

Султон аканинг айтганича бор. Бир пайтлар шунга ўхшаш воқеа юз берган. Айрим нотавонларнинг айиқнинг боласини безовта қилгани туфайли бутун қишлоқ кўрадиганини кўрган. Полвон (қишлоқдагилар айиқнинг эркагини шундай аташади) одамларга ҳамла қилиб, ўкирганича ҳеч кимни сойликка йўлатмай қўйган. Шу воқеадан сўнг қишлоқ аҳли агар ҳайвонларга тегинмасанг, улар ҳам сенга ёмонлик қилмас экан, деган хулосага келишганди. Аммо...

... Бир куни автобус мўъжазгина бозор олдида тўхтади. Йўловчилар диққатини ўша ердаги тахта устига ёйиб қўйилган ажабтовур пўстак тортди:

— Бу ниманинг териси?

— Бўриники, — деди харидор топилиб қолармикан, деган хаёл билан сотувчи. Хоҳласангиз, бўрининг тиши, тирноғи ҳам бор. Қуритилган кўзиниям топиб берамиз. Балоқазолардан асрайди...

Олувчи бўлмаса сотувчи ҳам бўлмайди, дейдилар. Ҳозир бўрининг тиши, тирноғини кўрсатган фирибгарларнинг гапига лаққа тушадиган содда одамлар йўқ деб ўйлайсизми? Табиатда шусиз ҳам камайиб кетаётган ноёб ҳайвонларни қўлга тушириш нахотки, шунчалар осон бўлса?! Қолаверса, табиат бизга инъом этган шундай бойликларнинг йўқ бўлиб кетишига панжа орасидан қараб туравериш тўғрими?

Табиатда ҳар бир жониворнинг ўз ўрни бор. Борди-ю, улардан бирортаси йўқолса борлиқда мувозанат бузилиши мумкин. Одамларнинг эътиборсизлиги туфайли йўқолиб кетган жониворлар, ўсимликлар бот-бот буни эслатиб турибди. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, иқлимнинг ўзгариши шуларнинг оқибати эмасми? Шулар ҳақида ёзаяпман-у кўз ўнгимдан ўрмонларимизда яна пайдо бўлган айиқ боласининг бемалол юргани жонланди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
журналист

Табиат ва инсон

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:

Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайдо УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:
Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Адади: 10937 Буюртма — Г-555 1 2 4 5